Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1998 йил. 18 август | 26 (156)-сон

ИСЛОМ КАРИМОВ

ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифатдир



Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу — табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.

> ● *Одамзод борки, авлод-аждоди, ватаннинг тарихини билишни истайди*
> ● *Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади*
> ● *Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади*

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки, умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди. Чунки, ўзингизга маълум, шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди.

Аҳвол шу даражага борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик. Бировлар томонидан яратилган тарих дарсликларини ўқир эдик. «СССР тарихи» деб аталган дарсликда, Ўзбекистондай мамлакатга бор-йўғи 3-4 саҳифа ўрин берилиб, тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида нохолис фикрлар айтилар ёки умуман, ломмим дейилмасди. Фандаги бундай сохтакорлик, кўзбўямачиликни бугун энг олис қишлоқларда яшаётган оддий фуқаро ҳам, мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Энди, мустақиллик туфайли яққол намоён бўлаётган тарихий ҳақиқатни билишга, ўзлигини англашга чанқоқликнинг туб сабаблари мана шунда, деб ўйлайман.

Олимларимиз тарихимизнинг турли даврларига доир рисолалар ёзишмоқда, тарихий мавзуда йирик насрий, назмий, саҳна асарлари яратилмоқда. Оммавий ахборот воситалари маънавий қадриятларимизни кенг тарғиб қилаётгани, суҳбатлар, мулоқотларда фикрлар ранг-баранглиги пайдо бўлаётгани диққатга сазовор. Ёшларнинг Ватан, миллат тақдири учун ўзларини масъул сезиб, бу баҳсларда дахлдорлик туйғуси билан иштирок этаётгани мени, айниқса, қувонтиради.

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган гап бор. Мен тарихчи эмасман. Бу мавзуда ақл ўргатиш фикридан мутлақо йироқман. Лекин **табиий бир савол туғилади: давлатчилик тарихимиз тўб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билишимиз керакми-йўқми?** Яъни, юртимизда фаол меҳнат қилаётган муҳтарам академиклар, олимлар, адиблар, ноширлар, аввалambор тарихчиларимиз биргалашиб, мана шу саволларга жавоб топиши керакми-йўқми?...

Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. **Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.** Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур.

Миллат, мамлакат ҳақида катта-катта минбарларга чиқиб гапиришнинг ўзига хос масъулияти бор. Муайян воқеа, шахсга муносабат билдираётганда, бу фақат бир киши ёки муайян тоифадаги кишиларнинг нуқтаи назари бўлиши мумкинлигини унутмайлик. Ёмон томони шундаки, субъектив фикр юқувчан бўлади. Чуқур таҳлил, мантиққа асосланмаган бирёқлама фикр одамларни, энг аввало, тарих ўқитувчиларини чалғитади. Улар эшитганларини ҳақиқат шу экан, деб ўқувчиларга ҳам етказишади. **Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин. Бу — биринчидан.**

Иккинчи масала шундан иборатки, биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади.

Давоми иккинчи бетда

Ўзбекистон илм-фани мустақиллик йилларида катта ислоҳотлар ичига кириб бормоқда. Янги теранлик, янги кенгликлар, янги қиёфа касб этиш йўлига чиқмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Каримов таълим, илм-фан, кадрлар тайёрлаш, маърифий-маънавий камолот билан чамбарчас боғлиқ ислоҳотлар йўналишлари — миллий тараққиётимиз тамойиллари ҳамда дастурларини назарий-амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш, ҳаётга жорий этиш йўл-йўриқлари, асосларини таклиф қилмоқда. Олимлар, ижодкорлар, зиёлилар, журналистлар билан мунтазам учрашиб, қизғин мулоқотлар ўтказиб, уларда келажаги буюк мамлакатимизнинг уфқларига назар ташламоқда. Муаммо ва масалаларни ечиш йўллари, чора-тадбирларини ўртага қўймоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашуви ва унда олиб борган баҳси, ўртага ташлаган ғоялари ҳаммамизнинг хотирамизга ўчмас бўлиб муҳрланиб қолди. Юртбошимиз ўзининг ўта ҳаяжонли, ёлқинли, теран муҳокамаларида жамиятимиз ва айниқса, тарих фани тараққиётининг янги йўналишларини чизиб берди. У тарихнинг халқ, мамлакат, инсон, миллат тақдиридаги ўрни, моҳияти, вазифасига тамомила янгича бир назар ташлади, янгича нуқтаи назарларни баён этди. У миллий тарихимизни бутунлай янгиланган, яшарган нигоҳ билан, фақат ва фақат асл манбалар асосида яратиш мустақил, озод ҳур мамлакатнинг бугуни ҳамда эртаси учун бениҳоя муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Президентимизнинг «Мулоқот» журналининг 1998 йил 5-сонида эълон қилинган тарих ва тараққиёт ҳақидаги ушбу янги асари ўз бой ғоялари билан ижтимоий фикр ривожимизни янада юксалтириш, илҳомлантириш, янги фикр уммонларини яратишига шубҳа йўқ.

БОРДУР

(АЖИНИЁЗ ЙЎЛИДА)

«Беклар, таъриф этсам қалпоқ юртини»,
Кўнгилда андиша-ҳоллари бордур.
Карвонга элтгулик кўнгил мулкини,
Ўзига яраша йўллари бордур.

Узоқ-яқинидан жўшиб сўйласам,
Довруғи ер ёрган уллари бордур.
Таърифларин достонлардан изласанг,
Гулоймдай сардор гуллари бордур.

Едиге, Оққас, Орманбет бобом,
Нўғайни бийлаган беклари бордур.
Асан, Омонгелди, Айдосбий Маман,
Элим деб жон берган эрлари бордур.

Ёв ўтидан асраб ўтлиғ ўтовин,
Эрназардай ботир эрлари бордир.
Қўл-оёқдан ечиб олган тушовни
Оллоёрдай марди, шерлари бордир.

Халқимнинг дардини айтиб бўзлаган
Кунхўжа, Ажиниёз, Бердағин дерман.
Назари ой, юлдузларни кўзлаган
Эл бу, мен шу элга бир қўшиқ, шеърман,

Саҳронинг хушовоз, сарҳуш булбули,
Ойимхон опамдай ҳурлари бордур.
Дунёга бир келган тулпор дулдули,
Сув тубинда гавҳар-дурлари бордур.

Юртим Орол бўйи, Аму ёқаси,
Довудкўл, Нағалай кўллари бордур.
Бўзатов иқболнинг кўҳна совғаси
Қўшиқдай бепоён чўллари бордир.

Ютиб чангу тузни нафасга йўйиб,
Узилмаган маним умидим бордур,
Ўз дардига ўзи топган давони-
Меҳридан ёришган дил, дийдам бордур.

Беклар, таъриф этсам қалпоқ юртини
Кўнгилда элтгулик кўнгил мулкини
Орзусидай тиниқ сирлари бордир,
Шеър бўлиб унажак гуллари бордир.

Мунайхон ЖУМАНАЗАРОВА,
қорақалпоқ шоираси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Эл-юрт ҳурмати» орденини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 17 август

ОШКОРА МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 август куни иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш, чегара ҳудудларидаги аҳволни ўрганиш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлди.

Сафар чоғида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон — Афғонистон чегарасидаги «Айритом» божхона мажмуи фаолияти билан танишди. Божхона ва чегара хизмати ходимлари билан суҳбатлашиб, мажмуа иш самарадорлигини янада ошириш, давлат чегараси дахлсизлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан аниқ кўрсатмалар берди.

Шу куни давлатимиз раҳбари янги қурилган Термиз марказий бозорини кўздан кечирди. Бозорда сотувчи ва харидорлар учун қулай шароит яратилгани, қурилиш миллий ва замонавий меъморлик анъаналари асосида амалга оширилганлигидан мамнуният изҳор этди.

Термиз аэропортида юртбошимиз оммавий ахборот воситалари вакилларига сафар якунларига доир интервью берди.

— Аввало айтмоқчиманки, одамлар билан ана шундай ошкора мулоқот вақтида, уларнинг чеҳрасига қараб, етти йил давомида мана шу халқ учун қилган ишларимиз бекор кетмаганлигига ишонч ҳосил қиламан, — деди Президент. — Бирон бино ёки иншоот барпо этиш ўз йўлига, биз учун муҳими етти йил давомида оддий одамларнинг тақдирида, ҳаётида, қалбида бўлган ўзгаришлардир. Бугунги учрашувлар танлаган йўлимиз тўғрилигини, ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлаганлигининг яна бир намойишига айланди, десак муболаға бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари Афғонистондаги вазият хусусида тўхталиб, у ердаги аҳвол керакли эҳтиёт чораларини кўриш заруриятини туғдираётганини таъкидлади.

— Қўшни мамлакатдаги ҳозирги вазият анча мураккаб, — деди Ислом Каримов. — Шу сабабли биз ҳам огоҳ бўлиб, зарур тайёргарлик кўришимиз керак. Асосий мақсадимиз ҳар бир қишлоқ, ҳар бир хонадон осойишталигини сақлашдир. Чунки юртда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина, кўзланган мақсадларга, тараққиётга эришиш мумкин. Лекин, минг афсуски, бизнинг тинчлигимиз фақат ўз қўлимизда эмас. Чегаранинг ортида бўлаётган уруш, биродаркушлик эртага бизнинг тинчимизни ҳам бузиши мумкин. Бунинг олдини олмасак, чорасини кўрмасак, бу нотинчлик бизни ҳам четлаб ўтмаслиги мумкин. Чунки, алоҳида олинган давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт ўша мамлакат чегаралари доирасида қолиб кета олмайди. Кўплаб сабабларга кўра, бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши эҳтимоли пайдо бўлади.

— Биз фақат қуруқ гаплар билан эмас, амалий ишлар билан ўзимизни ҳимоя қилишимиз, аввалambор, чегарани мустаҳкамлашимиз зарур, — деб таъкидлади Президент. — Бизда ўзимизни ҳимоя қилишга куч-қудрат етарли. Ўзбекистон армияси халқнинг тинчлигини сақлашга қодир.

Бирни эшит, фикр қил...

ДУНЁДА ВА БИЗДА...

(кичик хабарлар)

Кубада қурғоқчилик туфайли ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг 42 фоизи қирилиб кетди, бу мамлакатда иқтисодий танглик ва очарчиликка олиб келмоқда. Аҳолини кунига овқатланиш даражаси 200 килокаллорияни ташкил этаётир, бу БМТ озиқ-овқат дастурида белгиланган минимумдан ҳам камдир. Айни пайтда мамлакатда 500 мингдан ортиқ киши очарчиликда кун кечирмоқда.

* * *

Мексиканинг миллий валютаси ҳисобланган песонинг қадри 18 ой давомида энг паст даражага тушди. Бунга биринчи сабаб Осиё мамлакатларидаги ҳозирги иқтисодий инқироз бўлса, иккинчиси, Мексиканинг асосий экспорт маҳсулоти ҳисобланган нефтнинг жаҳон бозорида арзонлашиб кетишидир. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўп қисми Осиё мамлакатлари томонидан сотиб олинади.

* * *

Англиянинг Манчестр шаҳрида жаҳон бўйича ўтказилган ногиронлар футбол мусобақасида Ўзбекистоннинг «Байналмилал» жамоаси дунёнинг 9 командаси ичида 2-ўринни эгаллаб, кумуш медал совриндори бўлиб қайтди.

* * *

Ўзбекистонда бу йил 1 млн. 500 минг гектардан зиёд ерга пахта экилган, табиий офатлар натижасида унинг анча қисмини қайта экишга тўғри келди. Лекин ҳосил чўғи ёмон эмасга ўхшайди, мамлакатимизда пахта йиғим-терими бошланди.

* * *

Американинг «Акселс» ташкилоти томонидан ўтказилган тест синовларини муваффақиятли топширган мамлакатимизнинг истеъдодли ёшларидан 50 нафари илм олиш учун АҚШга жўнаб кетди. Улар Америкада билим ўрганиш билан бирга шу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, турмуш тарзи, фан тараққиётининг самаралари билан бевосита танишиб борадилар.

* * *

Тошкент — Андижон — Ўш — Қашқар халқаро автомобил йўли турли марказ ва минтақаларни бевосита туташтирувчи, хориж билан тўғридан-тўғри автомобил қатновини амалга оширувчи муҳим йўналишдир. Бу ерда автомобиллар ҳаракатига халақит бермаган ҳолда йўл қурилиши ишлари давом этяпти. Ҳозирда бу йўлдан бир кеча-кундузда 7—8 минг автомобил ўтаётган бўлса, йўл ва тунел қурилиши ишлари тўла ниҳоясига етгач, бу кўрсаткич 20 мингтага етади. Қурувчилар йил охирига келиб Қамчиқ ва Резак давонларида машиналар ҳаракати бошланишини ваъда қилишаяпти. Айни пайтда қийин нишабликлар йўқотилган, аниқроғи, довонларда 7 фоиз нишабликлар бор.

ШАҲРИ НАВ ҲОКИМИ ЎЛДИРИЛДИ

Тожикистондаги Шаҳри нав районининг ҳокими Қаландар Ҳайдаров 16 августга ўтар кечаси 8 та қуролланган номаълум кишилар томонидан уйидан олиб чиқиб кетилган. Бир қанча вақтдан сўнг Ҳайдаровнинг жасади қишлоқ чеккасидан топилди. Тожикистон Ички ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, Ҳайдаров мафия ўртасидаги ички келишмовчиликлар туфайли ўлдирилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

«Озодлик» радиосининг хабарига қараганда, Ҳайдаров Шаҳри нав районига президент Раҳмонов томонидан ўтган йили ҳоким этиб тайинланган эди.

ШУБҲАЛИ ШАХС ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Кения пойтахти Найробида Америка элчихонаси рўпарасида юз берган портлашни уюштиришда қатнашган деб 32 яшар Муҳаммад Бен Содиқ қўлга олинган. У 27 августда Карачи тайёрагоҳида Шарқий Африкадаги мудҳиш воқеадан бир неча соат ўтгач қўлга тушган.

Бу ҳақда юқори лавозимдаги Покистон полицияси ходими хабар берган. Полиция маҳкамасидаги илк сўроқда Бен Содиқ Найробидаги портлашга ўзининг ҳам алоқадорлигини тан олган. Унинг айтишича, Америка элчихонаси олдига портловчи қурилмани ўрнатишга Мисрнинг «Ислом жиҳоди» ташкилоти аъзолари кўмаклашганлар. Бен Содиқ портлашнинг асосий ташкилотчиси Муҳаммад Солиҳ исмли кимса ҳозир Афғонистонда бўлса керак, деб айтган. Дипломатик манбаларнинг кўрсатишларича, Карачига Америка Федерал Тергов Бюроси агентлигининг бир гуруҳи етиб келган. Уларга Покистон тергов идораси ходимлари ёрдам бермоқдалар. Шу кунларда терговчиларнинг Пешовар ҳамда Афғонистонга боришлари кутилмоқда.

Бир ўқ атрофида айланар дунё

ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯДА 12 ЎҚУВЧИ ЯРАЛАНДИ

Шимолий Ирландиянинг Ома шаҳрида юз берган портлаш натижасида 12 та испан мактаб ўқувчиси яраланди. Боз устига испан ўқувчи билан ўқитувчи ҳалок бўлди. Яраланган болалардан иккитасининг аҳволи жуда оғир. Испан ўқувчилари Ирландия Республикасида инглиз тили бўйича курс ўтмоқда эдилар. Улар Омага саёҳат қилиб келган эдилар.

Буюк Британиянинг бош вазири Тони Блэр Жанубий Францияда дам олаётган эди. У дам олишни тўхтатиб, Шимолий Ирландияга учиб кетди. У Омада юз берган фожиа айбдорларини қаттиқ қоралади. Буюк Британия қироличаси Елизавета, АҚШ президенти Клинтон бундай мудҳиш террорни қоралаб баёнот бердилар.

Ислом КАРИМОВ

ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Боши биринчи бетда

Эркин, демократик жамият қуряпмиз. Биз учун ёпиқ мавзунинг ўзи йўқ. Умумхалқ минбари — телевидениемиз, радиомиз, матбуотимиз бор. Яхши ниятли кишиларга чегараларимиз ҳамиша очиқ. Хориждан меҳмонлар келишяпти, биз чет давлатларга чиқяпмиз. Кунда бўлмаса, кун ора халқаро анжуманлар ўтиб турибди. Бизга мана шу анжуманларда манман деган олимлар билан, хоҳланг, иқтисод, хоҳланг, сиёсат, хоҳланг, тарих, маънавият соҳалари бўлсин, бемалол баҳслаша оладиган билимдон) зукко, маърифатли одамлар керак.

Нега мен маърифат сўзини кўп такрорлаб, унга алоҳида урғу беряпман? Чунки, **жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маърифатдир**. Асримиз бошида Туркистонда кечган воқеаларни бир эсланг. Нега бу ўлкада ўша йиллари маърифатчилик ҳаракати ҳар қачонгидан ҳам кучайиб кетди? Негаки, чор Россияси асоратига тушиб қолиб, буткул таназзулга юз тутган ўлкани уйғотишга, халқнинг кўзини очишга фақат маърифат орқалигина эришиш мумкин эди. Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмаса, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!

Айнан шунинг учун ҳам ўз пайтида Республика Маърифат ва маънавият марказини ташкил этдик. Марказнинг вилоят, туман бўлимлари очилди. Гап ҳозир республика бюджетидан ажратилган катта маблағ ҳақида эмас. Керак бўлса, яна ёрдам берамиз. Мазкур соҳадаги ишларнинг талаб даражасида эмаслигини, ташкилотнинг расмиятчиликка берилиб кетаётганини қандай тушуниш мумкин? Бу ҳолни кўрганда беихтиёр, барака топкур, сен шўролар замонидаги домполитпросвещение, яъни сиёсий маориф уйи ходими эмассан, мутлақо бошқа одамсан, биз бу марказни фақат маош олиш учунгина ташкил этмадик, дегингиз келади. Қолаверса, **маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Маърифатчи фидойи бўлмоғи керак**. Тушунамиз, уларнинг ҳам тирикчилиги, бола-чақаси бор. Шунинг учун ҳам маош тайинлаб қўйибмиз. Лекин яна такрор айтаман: маърифатчи, энг аввало, фидойи бўлмоғи, ўзидан кечмоғи керак.

XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракати ҳақида гапиргандим. Ўша ҳаракатнинг намояндалари бойлик учун, шон-шуҳрат учун майдонга чиқишдими? Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Таваллоларга мактаб очганлари, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этганлари учун биров маош тўлаганми? Биров уларга ойлик берганми? Албатта, йўқ! Улар ўт билан ўйнашаётганларини, истибдодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга даъват этган.

Энди асосий масалага ўтсак. Хўш, тарихнинг маънавиятимизда тутган ўрни қандай? Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас! **Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак**.

Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий. Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII-XIX асрларга келиб, то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч аср мобайнида бошимиз қолоқликдан чиқмай қолди? Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қолоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан?

●Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади
●Ўзбек том маънода бунёдкордир
●Биз халқни маданияти, маънавияти орқали биламиз

Тарихий илдизини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва, аминманки, тўғри хулосалар чиқаради. **Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир.**

Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг **ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.**

Юқоридаги мулоҳазалардан табиий равишда шундай савол туғилади: хўш, Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими-йўқми? Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқитишга мутлақо қаршиман. Мустамлакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон холис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар. Тарихдан жудо бўлиш нималигини яхши билсангиз керак. **Инсон учун тарихидан жудо бўлиш — ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.**

Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз. Лекин Россиянинг хоҳ ўтмишдаги, хоҳ бугунги кўзга кўринган бирор бир тарихчисидан сўраб кўринг-чи, шуни тан олармикин? Тан олмайди, билмайди, билишни хоҳламайди ҳам. Ўжарликнинг сабаби эса битта: башарти тан олгудек бўлишса, тарихий хулосалари чиппакка чиқади, илмда сохта йўл билан борганлари фош бўлади. Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, юқорида айтганимдек, бирон-бир хорижий журналистнинг, умуман, Ғарб адибларининг «Авесто»ни эслашганини билмайман. Хулоса шуки, олис-олис жойларда халқимиз, мамлакатимиз ўтмиши ҳақида айтилаётган мулоҳазаларнинг аксарият қисми сохта, ғайриилмийдир.

Мен билганимни айтяпман, шундай хулоса чиқаришга мажбурман. Ажабланадиган жойи яна шундаки, тарихимиз ҳақида гап кетганда, биз ҳамон рус олимларининг тадқиқотларига таянамиз, иқтибос кўчирамиз. «Бартольд ундай деган, Гумилев бундай деган...» ва ҳоказо. Мен рус олимларининг меҳнатини камситмоқчи эмасман. Лекин қачонгача биз тарихимизни бировларнинг нуқтаи назари, қаричи билан баҳолаймиз? Шундай улкан даврда юртимизда кечган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган тадқиқотлар нега яратилмаяпти? Археология, Тарих, Шарқшунослик ва бошқа бир қатор институтларимиз бор. Мутахассислар нима билан машғул, қаёққа қарашяпти? Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган? Нима эмиш, Ўзбекистон XX асрнинг 20-йилларида, аниқроғи, 1924 йили давлат мақомини олган эмиш. Биз шу гапга ишонишимиз керакми? Мақтаниш эмас, янгидан шаклланаётган ўзбек давлатчилиги бошида турган инсон сифатида айтишга ҳаққим бор, керак бўлса, бу иш учун жонимни, борлиғимни беришга тайёрман. Чунки, ҳаётимнинг мазмуни шундан иборат. Лекин фақат бир мен эмас, бутун халқ билишни истайди: ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунтириб берарлар, балки аниқ жавоблари бордир? Тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бораётган олимлар, балки, аллақачон бир фикрга келишгандир? Лекин ҳозирча на матбуотдан, на дарсликлардан мен мана шу саволларга жавоб тополмадим.

Яна айтаман, бу соҳада ишлаётган олимларимизни танқид қилиш у ёқда турсин, айблашга ҳам ҳаддим сиғмайди. Кўпчилик олимларимизнинг илмий тафаккури, қарашлари қайси даврда шаклланганини ҳам яхши биламан. Тарих оламида меҳнат қилаётганларни ватанпарвар, элпарвар сафдошларим, деб билганим учун уларга шу талабни қўймоқдаман: қачон лўнда, асосли қилиб ҳаққоний тарихимизни фарзандларимизга етказасизлар?

Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Нега деганда, Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб орқаваротдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар ҳали бор. Бундай ғаламисларнинг орасида қандай қилиб бўлса ҳам бизни яна собиқ СССРга қайтариш ниятида юрганлар йўқ, дейсизми? Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу даъвонинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир.

Матбуотда ўтмишимизга тааллуқли бирор мақола чоп этилса, бирор бир тарихий асар, ҳох у илмий, ҳох бадиий бўлсин, қўлимга тушиб қолса, албатта, ўқиб чиқаман. Сиёсатчиман, арбобман деган одам, агар виждони бўлса, ўз халқининг тарихий ўтмишини билиши шарт.

Ҳаммамиз шу тупроқнинг сувини ичганмиз, нонтузини еганмиз. Ҳаммамиз ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзбеклигимиздан фахрланамиз, ғурурланамиз. Яқинда Муҳаммад Юсуфнинг бир шеърини ўқиб қолдим. Ўзбек номини тушуниш учун нималарни билиш кераклиги ҳақида ёзибди. Яхши шеър! Қани энди, олимларимиз ҳам мана шундай катта ғояларнинг илмий талқинини берсалар.

Масалан, қадим аждодларимиз ҳаётининг асосини ўтроқ маданият ташкил этганми ё кўчманчими? Ўзбек халқининг шаклланишида қандай элатларнинг таъсири бўлган? Биламан, булар оғир саволлар. Лекин уларга жавоб топишимиз зарур.

Атрофимизда жойлашган баъзи давлатлар ва миллатларнинг вакилларида ҳам бизлар қатори ўз тарихларини бошқатдан ўрганиш, чуқурроқ ўрганиш туйғуларини сезиш мумкин. Балки, бу ҳам тўғридир. Ҳар бир халқ ниманидир ўзининг миллий ифтихори, деб билади. Ҳар хил китоблар чоп этишади, катта-катта анжуманлар ташкил қилинади. Аҳмад Яссавий бобомизнинг муқаддас меросини ўрганиш мақсадида гоҳ Туркистон, гоҳ Истанбул, гоҳ Измирда учрашувлар ўтказилади. Мана шу учрашув-анжуманларда Ўзбекистон вакиллари, авваламбор, илмий-тарихий асосларга, чуқур тадқиқотларга суяниб, баъзи бир сохта уринишларга берилиб кетмасдан, ҳаққоний далил ва исботларни қурол қилиб олсалар, маъқул бўларди.

Яна қайтариб айтмоқчиман: биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак. Туркийтилли халқ бор, турк халқи бор. Фарқини ҳар бир фуқаромиз, аввало, фарзандларимиз билиб олсинлар. Нега шу масалалар бўйича тарихчиларимиз оғизларига талқон солгандек миқ этишмайди?

Яқинда телевидениеда бир кўрсатув берилди. Хунлар давлати, қачонлардир шу давлатни бошқарган Атилла ҳақида. Шу Атилла Волгабўйи, Астрахан чўлларини ишғол қилиб Шарқий Европага ўтибди, кейин Ғарбий Европани ҳам забт этиб, Румгача борибди ва уни иккига, яъни — Рум ва Византияга бўлиб ташлабди.

Рус, умуман, Ғарб манбаларида, адабиётларида хунларни «гун» дейишади. Хунлар Атилла бошчилигида Румга бостириб кириб, уни батамом вайрон қилишган. Бу воқеалар тахминан IV аср охири — V асрнинг биринчи ярмида бўлган. Кўрсатув бошловчиси, олим одам завқ-шавқ билан Атилланинг кимга уйланганини, тўй кечаси кимнинг кўрсатмасига кўра, ким томонидан заҳарлаб ўлдирилганигача оқизмай-томизмай томошабинга етказди, ҳатто, Атилланинг туғилган кунигача аниқ айтди. Ўша олимдан Берунийнинг туғилган кунини айтиб беринг, десангиз, айта олармикин, худо билади. Қизиғи бу ёқда, энди давомини эшитинг: нима эмиш, хунлар муккасидан айш-ишратга берилган румликларни майпарастликдан жудо қилиб, қонларига соғлом қон бўлиб қўшилган эмишлар ва шу йўл билан уларнинг умрига умр қўшибдилар. Румга маданиятни ҳам хунлар олиб келган экан...

Ваҳоланки, Ғарбда Атиллани маданият олиб келган шахс эмас, улуғ бир цивилизацияни ер билан яксон қилган босқинчи сифатида эслашади. XXI асрга қадам қўймоқдамиз. Орадан шунча вақт ўтган бўлса ҳам улар Атилланинг қилмишларини унутганлари йўқ.

Қалмоқ дўстларимиздан бири яқинда менга ёстиқдек китоб совға қилди. Ушбу китобда ёзилишича, нима денг, Атилланинг байроғида хоч тасвири бўлган эмиш. Муаллиф бу билан нима демоқчи?

Демоқчики, насронийлик ҳам Европага саҳродан келган. Яна бир қизиқ хулосага дуч келдим. Биз ўзбеклар ҳам ўша Атилланинг авлодлари, ворислари эмишмиз. Бу билан фахрланишимиз керак экан. Биринчидан, бундай ўта жиддий хулоса чиқаришга ҳозирча ҳеч қандай асос ёки замин борлигини ҳеч ким исбот қилолмаса керак. Иккинчидан, босқинчига ворис бўлиш фахрли мартаба эмас, иснод-ку! Бу иғвога учсак, эрта Европа биз тўғримизда нима дейди? Бу гап қаердан чиқди, кимга керак бу сохта обрў?!

Биз ўзбекларни улуғ, бунёдкор халқ деб дунёга тараннум этяпмиз ва аслида ҳам шундай. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Амир Темур бобомизнинг тўйларини ўтказишдан мақсад нима эди? Комил бу инсоннинг, энг аввало, буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижодкор шахс бўлганини, фан, маданиятга ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганини олам аҳлига билдириш эди.

Жаноб Жак Ширакнинг ўзи иштирок этган бу анжуманда мен мазкур фикримни ишончли манбалар асосида исботлаб беришга ҳаракат қилдим. Айтдимки, давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги барча-барчамиз учун ибрат намунаси бўлиб келмоқда. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз.

Суриштириб кўрилса, Парижда ва умуман, Европада ҳам соҳибқирон бобомизнинг обрўсини тушириш уринишлари бўлган. Буюк саркардалигини тан олган ҳолда, уни, айтишга тил ҳам бормайди, ёвузликда айблашган. Бунга ҳеч қандай мантиқий асос йўқлигини исботлаш қийин эмас. Инсон бир вақтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Қонхўр одам «Куч — адолатда» дейиши мумкинми?!

●Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват
●Тарих — халқ маънавиятининг асосидир

Ўзбекистоннинг обрўйини кўтариш бир четда қолиб, аллақандай атиллаларга ворис бўлиш бизга мутлақо ярашмайди. Мен бунга қатъиян қаршиман. Кимгадир ворис бўлиш керак бўлса, биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламиз. Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, дарахт кўкартиради. **Ўзбек том маънода бунёдкордир. Унга бировнинг ери керак эмас. Мабодо қўлига қурол олгудай бўлса, фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина олади.**

«Тафаккур» журналига берган интервьюмда Амир Темур бобомизнинг «Куч — адолатда» деган фикрини ривожлантириб, «Куч — билим ва тафаккурда», деган ғояни ўртага қўйдим. Тафаккур, маърифат, маънавият қаердаю, Атилла қаерда?

Чуқурроқ ўйлаб кўрайлик: Атиллани рўкач қилиб, бизга, сиз ўзбеклар ҳам кўчманчи халқсиз, демоқчи эмасмилар?

Мен кеча атай яна харитага кўз ташладим. Хунлар Европага Шимолдан, Дашти Қипчоқдан ўтиб кетишган экан. На улуғ Бухоро, на улуғ Самарқанд, на улуғ Хоразмга уларнинг қадами етмаган.

Шу боис ўзбек зоти қанақасига хун бўлиши мумкин?

Тўғри, Мовароуннаҳр сарҳадларига узоқ тарихимиз давомида не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки, асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолалар ҳукмронлик қилмаган, дейсиз. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Аҳмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Кутайба, Мўғулистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халқ қолди-ку. Хўш, бунда қандай сир-синоат бор? Халқ қандай ички куч-қудратга таяниб ўзлигини сақлаб қолди? Қадим-қадим замонлардан ўтроқ яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани учун эмасми?

Ўзбек номи қачон пайдо бўлган? Совет тарихшуносларининг ёзишича, гўё XVI асрда бизнинг заминимизни Дашти Қипчоқ хонлари ишғол қилгандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир, биз Мовароуннаҳр деб атайдиган икки дарё оралиғида унгача ҳам халқ яшаган-ку! Ёки бу халқ бошқа миллат бўлганми? Мантиқ қани бу ерда?

Биз совет замонидан қолган бу ақидани қабул қилсак, миллатимиз тарихи мана шу навбатдаги босқинчилар давридан бошланган, деган нотўғри хулоса келиб чиқмайдими? Унда бизнинг неча минг йиллик тарихимиз қаерда қолади? Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам, Хива ҳам ўзбекларники экан, бу ерларда ўзбек давлати бўлган экан, нега энди ўз тарихимизни XVI асрдан, кимдир келиб-кетиб, номини қолдириб кетган даврдан бошлашимиз керак? Унгача ҳам бу ерда ўтроқ халқ яшаган-ку! Бу ерда ана шу ўтроқ халқнинг маданияти бўлган-ку! Ким келмасин, масалан, мўғуллар келган, XIII асрнинг 20-йилларидан XIV асрнинг 70-йилларига қадар ҳукмронлик қилганлар ва уларнинг маданияти маҳаллий маданиятга сингиб кетган. Бунда маҳаллий халқнинг маданияти, албатта, асос бўлган, устунлик қилган.

● Биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворисмиз
●Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, воситадир

Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз.

Яна бир бор қайтараман: мен тарихчи эмасман. Аммо, умуман, дунё халқлари ва хусусан юртимиз тарихий тараққиёт йўлининг асосий қонуниятларини мантиқий таҳлил қилсак, шу нарса аён бўладики, Александр ҳам (уни Шарқда кўпроқ Искандар Зулқарнайн деган ном билан билишади), Кутайба ҳам, Чингизхон ҳам, генерал Черняев ҳам, умуман, ким бўлмасин, юртимизга бир неча ўн минг ё бир неча юз минг лашкари билан келган, ишғол қилган ва бу ердаги сиёсий ҳокимиятни қўлга олган. Яна такрорлайман: Сиёсий ҳокимиятни. Тамом. Тўғри, ҳукмронликлари мобайнида улар мамлакатимизнинг иқтисодий, савдо, илмий, маданий имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга зўр берганлар. Бироқ шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолини, унинг кўп минг йиллик маданиятини йўқ қилолмаганлар, қилолмасдилар ҳам.

Фикримни ҳаммага яқин ва тушунарли бир мисол орқали изоҳлаб беришим мумкин. Чор Россияси юртимизни босиб олиб то биз давлат мустақиллигимизни қайта тиклагунимизга қадар ўрта ҳисобда 130 йил вақт ўтди. Шу давр ичида халқимиз бошига нелар кулфатлар, балою офатлар ёғилмади. Ҳох сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни олайлик, ҳох маънавий, маданий соҳани. Кези келганда, сўнгги мустамлака даври тарихини тадқиқ қилаётган олимларимизга бир маслаҳат бермоқчиман, аниқроғи, уларнинг эътиборини бир нарсага қаратмоқчиман. Бу да[illegible] вақт[illegible] халқи[illegible]. Етмиш йилдан ортиқ даврда бошимиздан қандай маънавий, маданий тазйиқ, хўрликлар кечганини ҳам яхши биламиз. Мен бу ерда тил, адабиёт, тарих, дин, халқимиз генофонди, демография билан боғлиқ муаммоларни назарда тутяпман. Лекин гап ҳозир уларнинг шарҳида, сабаблари, оқибатларида эмас.

Мен айтмоқчи бўлган фикр шундан иборатки, ана шундай ҳар томонлама мудҳиш, четдан қараганда халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда барибир, қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қололдими ё йўқми? Олимларимиз шу саволга жавоб берсинлар.

Шу мавзуга тегишли яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Собиқ марказда, Кремлда ўтирганларнинг миллий республикалар маҳаллий аҳолисини «совет халқи»га, яъни ягона халққа айлантириш билан боғлиқ сиёсатидан ўзбек халқи ниманинг ҳисобидан, қайси тарихий, табиий қонуниятлар туфайли омон чиқди? Бу ҳақда олимлар ўйлаб кўрганмилар, ўз илмий изланишларида шундай саволларни кўндаланг қўйганмилар? Афсуски, йўқ.

Хўш, масалан, бу саволга мен қандай жавоб берган бўлардим?

Бизнинг аждодларимиз, халқимиз қадим-қадимдан ўтроқ яшаган, миллатимизнинг илиги ўтроқ маданият шароитида қотган. Халқимиздаги «илиги тўқ, бақувват» деган тушунча, мен, ҳатто, қонуният деган бўлардим, бежиз пайдо бўлмаган. **Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват демоқчиман.** Яна тилимизда «тагли-тугли», «палаги тоза» деган иборалар ҳам бор. Бу бир жойда муқим яшаган, ўз турмуш тарзига, ахлоқ-одоб мезонларига, ақидалари ва тафаккур тарзига эга бўлган хонадонларга нисбатан айтилади. Бутун оммани, бир неча юз минглаб, миллионлаб аҳолини бирлаштирган ақидаларга мезон ва қоидаларга эга бўлган халқни қандай изоҳлаш, таърифлаш мумкин?! Ана шу ҳаётий ва ижтимоий мантиқдан келиб чиқсак, таъриф ва изоҳ битта бўлади — миллий борлиғимиз, маданиятимиз илдизи, томири ўтроқ бўлган.

Масалага бошқа томондан ёндашиб кўрайлик. Бугунги бой маданиятимиз қайси цивилизациянинг маҳсули? Шундай маданият бор экан, уни шу заминда яшаган халқ яратганми ёки у бўм-бўш жойда пайдо бўлганми?

Демоқчиманки, тарихимиз каби, қадим маданиятимизнинг яратилишида ҳам унга кўплаб этник гуруҳлар, эл-элатлар ўз улушини қўшган. Бу — табиий ҳол. Чунки, ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. **Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди.**

Шунинг учун тарихчи олимларимиз, ҳар бири турли тушунча, муайян қарашга эга бўлишидан қатъий назар, бир жойга тўпланиб, баҳс юритиб, бир хулосага келишлари керак. Саклар, массагетлар, сўғдлар, бақтрияликлар деган турли ибораларнинг орқасидан қувиб юриш ўрнига, тарихчиларимиз миллатга унинг ҳаққоний тарихини кўрсатиб, исботлаб беришлари керак. Зотан, **тарих — халқ маънавиятининг асосидир.**

Баъзи тарихчилар бизни Чингизхоннинг авлоди, ҳатто, Амир Темурда ҳам Чингиз қони бор, у мўғул қавмидан, демоқчи бўлади. Ўйлаб кўрайлик, Амир Темур бобомиз қайси миллатга мансуб?

Яна совет даври китобларида Амир Темур аскарлари Москва атрофларига етиб боргани хусусида «мўғул-татар қўшинлари Москвани қамал қилдилар», деб ёзишган. Ҳолбуки, Соҳибқироннинг аскарлари Тўхтамишхонни тор-мор қилиб, Русияни мўғул истилосидан озод этгандан кейингина Москва атрофида пайдо бўлган. Афсуски, бу ҳақиқат Россия матбуотида 1995 йилдагина ёзилди. Бизнинг тарихчиларимизнинг заифлиги шу даражадаки, шу пайтгача биронтаси чиқиб, йўқ, тарихий ҳақиқат бундай, деб айтмаган. Йўқса, Амир Темур қаёқдаю, мўғуллар қаёқда! Қани бу ерда фидойилик, ватанпарварлик? Қани миллий ғурур, миллий ифтихор?!

Демоқчиманки, ҳар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак. Бепарво бўлсангиз, турли сохта ҳомийлар, кучлар борки, улар тарихни бузиб кўрсатадиган китобларни чиқараверади. Ҳатто, чет элда ҳам чиқариши мумкин.

Дунёда дўст бор экан, ғанимлар ҳам бўлади. Биргина мисол. Биз 1996 йили Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйини ўтказдик. Шуни ҳам турлича талқин қилувчилар бўлди.

Авваламбор, **биз бирор аждодимизнинг тўйини ўтказсак, бунга унинг миллатимиз равнақи учун қилган ишлари, тарихимизда тутган ўрни сабаб бўлади.** Шу нуқтаи назардан ёндашсак, Амир Темур ким эди? У, биринчи навбатда улуғ бунёдкор шахс эди. Самарқанддаги обидаларни, Шаҳрисабздаги ёдгорликларни ким қурди? Туркистондаги Яссавий мақбарасини ким тиклади? Амир Темур ва унинг авлодлари замонида Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ҳудудларида амалга оширилган ободончилик, меъморчилик ишларини айтмайсизми? Ким «Куч — адолатдадир» деган оламшумул, теран ҳикматни ўз фаолиятига асосий тамойил қилиб олди?

Яқин-яқингача давлат бошқаруви санъати ҳақида сўз кетса, кўпчилик гапни ё марксчи-ленинчиларнинг давлат ҳақидаги сохта назарияси ё бўлмаса XVI асрда яшаган Макиавелли қарашларидан бошларди. Қўйиб берсангиз, бу эски одатни бугун ҳам давом эттиришади. Давлат, салтанат, жамият бошқарувига оид мумтоз асар — «Темур тузуклари»ни ёзган ким? Умуман, кишилик тарихида ана шундай йўналишда асар битиб қолдирган бошқа ҳукмдор борми ўзи?

Энди Чингизхон шахсини шу мезонга солиб кўрайлик. Ундан вайрон этилган шаҳару қишлоқлардан бўлак қандай из қолди? Шундай экан, биз ўзимизни Чингизхон ворисларимиз, деб ўтирсак, ўтакетган бемаънилик бўлмайдими?

Юртимизда тарихий шахслар, шаҳарлар, маданий ёдгорликларнинг юбилей ва байрамларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. **Бу ерда гап тантанадагина эмас, муҳими, биз уларнинг ўз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини қадрлаймиз. Албатта, ҳар бир миллат ўз аждодларини эслаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйишга интилади. Фақат бу каби хайрли ишлар ўз моҳияти жиҳатидан халқларни яқинлаштиришга, уларни ҳамжиҳат этишга хизмат қилсин.**

Яқинда телевидениеда Хўжа Аҳрор Валий ҳақида кўрсатув берилди. Бу мутафаккир зот ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. «Шайхлар шайхи» деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрмиз.

Шу маънода, хунлар, ҳоқонликлардан нима мерос қолди? Бу «мерос»ни топиш учун қаерларда қазилма ишлари ўтказишимиз керак? Ёки XIII асрда Самарқандни ёндириб ташлаган, Бухорони, Урганчни ер билан яксон қилган Чингизхон тўғрисида турли китоблар чиқяпти, филмлар ишланяпти. Бу асарларнинг муаллифлари Чингизхоннинг қайси бир «фазилати»ни улуғлаяпти? Ўзи Чингизхондан бирон-бир яхши мерос қолганми?

Хоҳ ўтмишда, хоҳ бугун бўлсин, бошқа миллат, давлатни ўзига қарам қилиш ниятида ҳаракат қилган, қилаётган кучлар доимо бир сиёсатни юритганлар, юритадилар: яъни қарам халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, ундан жудо этиш. Мисол керакми?

●Биз ўзбеклигимиздан фахрланамиз, ғурурланамиз
●Ҳар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак
●Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас

Шўро даврида ўзбек миллати тарихини бузиб кўрсатишдан, уни чалкаштириб ёритишдан, баъзи саҳифаларини, умуман, кўрсатмасликдан мақсад нима эди? Чор Россиясининг Скобелев деган генерали ўз императорига мурожаат қилиб, шундай деб ёзган эди: «Маҳаллий халқ биз ўйлагандан кўра маданиятли экан. Уларни бўйсундира олмаяпмиз... Бу халқнинг ўтмишда яратилган барча осори атиқаларини, масжиду мадрасаларини, диний китобларини ер билан яксон қилибгина, уларнинг маънавиятини сўндирибгина ўз қанотимиз остига олишимиз мумкин».

Хўш, шу гапларни тарихчиларимиз биладими? Бундай ёвуз қарашлар бўлганини халқимизга етказяптими? Афсуски, кўп олимларимиз онгида эски тузум асоратлари маҳкам ўрнашиб қолган. Улар ҳозир — мустақиллик шароитида ҳам кимдандир қўрқиб, чўчиб гапирадилар.

Юқорида айтилганлардан қандай хулоса чиқади? **Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур.** Агар олимларимизнинг илмий тадқиқот ишлари замирида ана шу фикр, ана шу мақсад бўлмаса, уларнинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ. Тарих институти, Фанлар академияси ҳаққоний тарихни ёритиш мезонларини, унинг пойдеворини, асосини белгилаб бериши керак.

Бу масала бўйича фикрлар аниқ ва илғор бўлиши лозим. **Умуман, мен фанни илғор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиламан. Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим**. Лекин бу борада бизнинг фанимиз ўз сўзини нега айтмаяпти? Нега мазмунан, моҳиятан янгича мақолалар, асарлар чиқмаяпти?

Бу ерда фан ва сиёсатнинг ўзаро муносабати хусусида тўхталиш жоиз. Зеро, фан, масалан, тарих фани ўз йўлига, сиёсат ўз йўлига, уларнинг бир-бирига алоқаси йўқ, дегувчилар ҳам топилади. Ўйлаб кўрайлик, тарих фани маҳсули — унинг хулосаларидан аввало ким фойдаланади? Сиёсатчилар эмасми? Ўз сиёсатини оқлаш, уни олға суриш, тарғиб этиш, узвийлигини таъминлаш, обрўсини кўтариш учун улар тарих фани хулосаларига мурожаат этади.

Шундай экан, савол туғилади: ушбу хулосалар кимлар томонидан, қайси мақсадлар йўлида ишлатилади — тажовузкор миллатчиларми ё инсонпарварлар, маърифатпарварларми? Шу маънода, тарихчилар миллатчилар учун хулоса чиқармоқчи бўлсалар, бу — бир маҳсулот, инсонпарвар, маърифатпарварлар учун бўлса, бу — бошқа маҳсулот. Халқимизнинг миллий туйғусини, миллий ғурурини уйғотадиган тарихий-илмий хулосалар қани? Нима учун бу масалада олимларимиз ўртасида беҳуда тортишувлар бўлмоқда? **Фан давлатга, халққа, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозимлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.**

Биз фан ривожи учун, унинг таъминоти учун ҳеч нарсани аямаймиз. Абу Райҳон Беруний бобомизнинг бундан ўн аср бурун айтган фикрини эслатиб ўтмоқчиман: «Илм-фан кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш заруратидан пайдо бўлади».

Илғор илмий тадқиқот ишлари бўлса, Академиянинг иш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар, ғоялар, хуллас, эҳтиёж бўлса, маблағ ҳам топамиз, барча шароитни яратиб берамиз. Фақат бу ерда бир мезон бор — бу ишдан аниқ натижа, самара чиқиши керак!

Тарих фани, унинг бугунги аҳволи, истиқболи ҳақида гапирар эканмиз, мен яна бир масалага эътибор қаратишни истардим. Агар биз тарихчиларни тарозига солсак, бугунги кун нуқтаи назаридан баҳоласак, талабга жавоб берадиганлари жуда камчиликни ташкил этади. Шунинг учун тарихчи мутахассислар тайёрлашни университетлардан, яъни бошланғич нуқтасидан яхшилаш лозим, деб ўйлайман. Керак бўлса, тарихга ихтисослашган мактабларни очиш лозим. Бунинг учун эса аввало мукаммал дарсликлар яратиш, домлаларнинг ўзини қайтадан ўқитиш керак. Муҳими, ёшларнинг орасига кириш, уларнинг ичидан қобилиятли, фидойиларини топиш, уларнинг юрагини ёндириш керак. Бизда 30-35 ёшли академиклар борми? 16 ёшга кирган ўспирин — Рустам Қосимжонов шахмат бўйича қандай натижаларга эришди, жаҳон микёсида ғолиб бўлди! Шахмат ҳам фан, бу математика дегани эмасми?

Демоқчиманки, биз ана шундай ёшларимизга ишонамиз, суянамиз, келажак умидларимизни улар билан боғлаймиз. Уларга қанча тез йўл очиб берсак, илмда, ижодда шунча кўп изланиш, баҳс бўлади. Изланиш, баҳс, мунозара бор жойда эса ҳақиқат юзага чиқади, тараққиёт бўлади.

Иккинчидан, **бизда довюрак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмайди.** Мен академик Яҳёе Ғуломовни яхши билардим. У мустақил фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни дадил айта оладиган олим эди. Тарихчилар яхши биладилар, одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар ястанган бўлади. Шўро даврида фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда ана шундай тарихий тепаликларни ҳам текислаб пахта даласига айлантириш сиёсати авж олганда бунга қарши чиққан олим Яҳёе Ғуломов бўлганини мен яхши эслайман. Бу фазилати туфайли тазйиқ кўрганини ҳам эшитганман. Лекин адолатни ҳамма нарсадан устун билган, ватанпарвар одам шундай бўлади. Ана шундай одамлар ҳаёти бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим.

Энди икки оғиз сўз оммавий ахборот воситалари орқали тарих мавзусини ёритиш ҳақида. Бизнинг матбуотимиз, телевидениемиз ҳам тарихга оид мақолалар чоп этганда, кўрсатувлар тайёрлаганда бир кишининг фикрини ягона ҳақиқат сифатида қабул қилинишига йўл қўймаслиги даркор. Муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқат ойдинлашувига эришиш лозим. Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изоҳлаш йўли билан одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишимиз керак. Чунки, биз шакллантираётган жамиятимиз мафкураси ҳам тарих булоқларидан озиқланади.

Яна бир муҳим масала шуки, мен «Тафаккур» журналидаги суҳбатда таъкидлаганимдек, **сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам вакуум — бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Яъни, агар ўз ғоянг бўлмаса, сенинг юртингда чет ғоя келиб ҳукмронлик қилади.** Шу маънода мустақил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз, халқимиз, миллатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз холисона ёзмасак, уни бошқалар бошқача қилиб ёзади. Ёзиш билан чекланса майлику-я, бизни, ўсиб келаётган авлодни, ҳатто, олимларимизни ҳам ўз йўриғига солишга ҳаракат қилади.

Мен қайси халқ қаердан келиб чиққани, кимнинг тарихи кўҳналиги хусусида баҳс юритиш, бу борада бир миллатни бошқа бир миллатга қарама-қарши қўйишга мутлақо қаршиман. Бу нарса бизга асло керак эмас. Фақат бизнинг давлатимиз тарихини ёритишда ўзга ғоя ҳукмронлик қилишига йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидламоқчиман. Бу масалада, яъни узоқ ўтмишимиз, тарихий томирларимиз бўйича ўз мустақил фикримизга, чуқур илмий асосга эга бўлишимиз шарт. Тарихчи олимларимиз, илмий муассасаларимиз олдида турган долзарб вазифа шундан иборат.

Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим, мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак марраға олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. **Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.**

Шу муносабат билан бундан беш йил аввал билдирган бир фикримни эслатиб ўтмоқчиман: бино қанчалар баланд бўлса, унинг пойдевори ҳам шу қадар чуқур бўлади. Биз буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун замонавий сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий имконларимиз билан бир қаторда тарихий асосимиз ҳам бор. 2700 йиллик буюк давлатчилик ўтмишимиз бор.

Ҳаққоний тарихимизни барпо этиш ишини нимадан бошлаш лозим? Аввало, кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадқиқ этишнинг яхлит концепциясини, яъни дастурини, илмий изланишларнинг услубини, қўйилаётган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, улардаги потенциал, кадрлар масаласини аниқлаб олишдан. Бу келажакда ҳам узлуксиз давом этадиган катта ишнинг бошланиши бўлади. Шундан кейин ана шу аниқ, босқичлари белгиланган дастур асосида ҳар томонлама тадқиқотлар олиб борилади. Бу осон иш эмас. Шўро замонида тамоман ўзга, миллатимиз манфаатларига зид бўлган, коммунистик, шовинистик мафкура ҳукмрон шароитда ёзилган адабиётлардан уни-буни кўчириб тайёрланадиган иш эмас бу.

Мазкур вазифани амалга ошириш учун Академияга қарашли Тарих, Шарқшунослик, Археология институтлари, шу соҳага тааллуқли бўлган илмий муассасалар таркибини, иш фаолиятини ўзгартиришни замон талаб қилмоқда. Тошкент Давлат университети, бошқа ўқув даргоҳларидаги тарих факултетларининг дарсликлар, таълим-тарбия масалаларидаги камчиликларини аниқлаб, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Керак бўлса, уларда ишлаётган олим ва мутахассислар фаолиятига танқидий кўз билан қараб, ким шу ишга лойиқ, ким лойиқ эмас, буни ҳам аниқлаш лозим. Зарур бўлса, уларга моддий ёрдам бериш, янги гуруҳлар тузиш керак.

Мақсад шуки, фанда бизнинг тарихий томирларимизни аниқлайдиган, миллий ғуруримизни юксалтирадиган янги йўналишлар пайдо бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим.

МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ўзбекистон, умуминсоний қадриятларга чуқур ҳурмат, маданиятда умуминсоний тамойилларнинг устиворлиги йўлини танлаганини бутун дунё жамоатчилигига билдирди. «Мустақил Ўзбекистон қудратининг асосий манбаи, — деган эди юртбошимиз, — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга садоқатидир. У адолат, тенглик, яхши қўшничилик ҳамда инсонпарварлик каби нозик ниҳол ғояларни асрлар бўйи асраб-авайлаб шу кунларга қадар олиб келди. Ўзбекистон янгиланишининг олий мақсади — шу анъаналарни тиклаш, уларга янги мазмун бахш этиш, заминимизда тинчлик-осойишталик, тўкин-сочинлик, маданият, виждон эркинлиги ҳамда ҳар бир инсоннинг маънавий юксалиши учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат».

Одатда қадрият деганда, моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг уйғунлиги назарда тутилади. Моддий қадрият (табиий бойлик, меҳнат маҳсулотларининг истеъмол нархи, замондошларимизнинг ўтмиш маданий мероси сифатида ўтган бойликлари, диний ва бошқа маросимларда қўлланиладиган турли ашёлар ва ҳоказо) ҳамда маънавий қадрият (жамият қонун-қоидалари, яхшилик ва ёмонлик, адолат, гўзаллик ва хунуклик, тарих ҳамда инсон моҳияти, ғоялар, ҳаракат шакли ва тамойиллари каби шартли тасаввурлардан юзага келган эркинлик ва чеклашлар) бир-биридан фарқ қилади. Мавжуд қадриятларни бир тизим сифатида аксиология фани ўрганади. Бу фан моддий, маънавий, ишлаб чиқариш, истеъмол, ижтимоий-сиёсий, илмий, ахлоқий, эстетик, диний қадриятларни бир тизим сифатида бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Бир қатор омиллар сабабли қадриятлар масаласи бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Биринчидан, жамият тараққиёти ўхшаши йўқ фавқулодда ҳолларни юзага келтиради. Бу эса ўз навбатида қадрият йўналишларини қайта кўриб чиқиш ёки тамоман ўзгартириш муаммосини яратди. Иккинчидан, қадрият йўналишларини фақатгина жамият онгига боғлаб қўйиб бўлмаслиги, илмий «объектив» ёндашув ҳеч замон аксиологик ёндашувни инкор этмаслиги кераклиги аниқ бўлиб қолди. Инсон омили бурч, шахс масъулияти, шаън, адолат каби ҳислатларнинг истеъмол категорияларидан бутунлай фарқли инсоний қадрият йўналишларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Инсон биолоғик-ижтимоий — мавжудот сифатида шахсиятини шакллантирадиган, у ёки бу нарса, ёхуд ҳодисаларга бўлган муносабатини белгиловчи қадрият ёки мезонларсиз яшай олмайди. Мустаҳкам, барча томонидан қабул этилган қадриятларнинг йўқлиги жамиятдаги шахсларнинг инқирозига ҳамда меъёрдан ошган ҳатти-ҳаракат ва салбий оқибатларга (ичкиликбозлик, жиноятчилик ва ҳоказо) олиб келади. Қадрият йўналишлари тадқиқоти айтарлик даражада катта маблағ ва куч талаб этмайди. Бу йўналишларни осонликча белгилаб тадқиқ этиш мумкин. Баъзи нарсаларга нисбатан бир қолипдаги ҳаракатлар йиғиндиси ҳамда тан олинган тамойилларнинг ҳам мавжудлиги қадриятлар ҳар хиллигининг умумий кўринишини осонликча аниқлашга имкон беради. Афсуски, аксарият изланишларда бор-йўғи айнан шу жиҳатларнинг рўйхати тузилиб, савол-жавоб ўтказиб қўя қолинган. Табиийки, бу ҳол аниқ хулосалар чиқариш учун мутлақо етарли эмас.

Инсонлар қалбига ислом динининг қадриятлари ва асосларини, яхшилик, маънавий юксалиш ва руҳий поклик ғояларини сингдиришда, жамиятнинг маънавий тарбиясини оширишда дин арбобларининг саъй-ҳаракатлари ҳам аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Ёшларни юксак умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялашда маърифат ва маънавиятнинг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Маънавий янгиланиш дастурининг асосий қисмини ўзбек халқи томонидан барпо этилган буюк тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш ташкил этиши керак. Маънавият турли халқ вакилларини, тақдирларини яқинлаштириб келган. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллионлаб инсонларимиз тафаккуридан яралган, уни на ўлчаб, на сарҳисобига етиб бўлади. Амалга оширилаётган ислоҳотлар республика аҳолисининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлигининг меваларидан баҳраманд бўлиш имконини яратмоқда. Иқтисодий мустақилликка эришаётган, билим ва қобилиятларини ҳам ўзи, ҳам жамият равнақига қаратган ватандошларимиз йил сайин кўпайиб бормоқда. Аждодларимизнинг миллий руҳияти ва маънавиятини мерос қилиб олган ёшларимиз бу соҳада ҳам фаоллиги ва мустақиллиги билан ажралиб турибди.

Маълумки, жамиятшунослар республика аҳолиси, айниқса ёшларнинг ижтимоий руҳияти, ижтимоий онгидаги ўзгаришларга масъулият билан қарайдилар, ҳеч қачон оддий кузатувчи бўлиб қололмайдилар. Миллий истиқлолнинг мустаҳкамланишида иқтисодий, сиёсий, маънавий тамаллар аҳамияти ҳақида кўплаб илмий асарлар яратиши керак бўлган олимларнинг хизматлари улкан бўлади, деган умиддамиз. Бугунги кунда республикада амалга оширилаётган янгиланиш жараёни мазмун ва аҳамияти жиҳатидан инқилобий ўзгаришларга тенг. Бу ишлар қанчалик тез амалга оширилар экан, миллий истиқлол ва тараққиёт ғояларига асосланган ижтимоий онг ҳам шу қадар тез шаклланади.

Жамиятнинг маънавий янгиланишида ёшларнинг ижтимоий руҳиятини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориб, биз шундай хулосага келдик: биринчидан, миллий истиқлол ўзбек халқи учун маънавий янгиланишнинг боши ҳисобланади, демакки, жамиятнинг маънавий ҳаётида юз бераётган жараёнлар ижтимоий психологияга ва ижтимоий онгга фаол таъсир кўрсатади.

Ўзбекистоннинг маънавий янгиланиш йўллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: миллий ва умуминсоний қадриятларга амал қилиш, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ҳар бир шахснинг ўз маънавий имкониятларини эркин истифода этиши ва ватанпарварлик, иснонпарварлик. Учинчидан, жамиятнинг маънавий янгиланиши асосида миллий истиқлол мафкурасида ўзининг ёрқин ифодасини топган янги ғоя ва тамойиллар аҳолининг, айниқса ёшларнинг ижтимоий руҳияти ва ижтимоий онгида ўрнашиб, шаклланиб боряпти.

Бугун миллий истиқлол мафкураси республика аҳолиси, биринчи навбатда ёшларнинг ижтимоий руҳияти ва ижтимоий онгига қанчалик даражада тез ва кенг кириб борса, Ўзбекистонимизнинг ижтимоий, маънавий тикланиши ва тараққиёти йўлидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий масалаларнинг ечимини шу қадар тез топган бўламиз.

Халқнинг турли табақалари руҳиятига, онгига мафкуранинг кучли таъсир кўрсатиши ҳақида Ўзбекистон Президенти И. Каримов бундай деган эди: «Ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Очиқ айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад — инсонлар, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, сезги, туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамалиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан даҳшатлироқдир» («Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан суҳбатдан).

Шундай экан, биз мамлакатимизнинг келажаги бўлган ёш авлод онгини яна бегона мафкуралар билан занжирланишини истамаймиз. Ёш авлод турли сиёсий тазйиқлардан қутулиб, ўз миллий маънавияти булоқларига қайтиб, эркин, мустақил фикрлаб, ўз ҳаётини ўзи истаганча қуриш имкониятини қўлга киритиши — Истиқлол берган қутлуғ соадатдир.

Эркин БОБОМУРОДОВ
Термиз

РЕСПУБЛИКАГА ТЎЁНАЛАР

Улуғбек МАШАРИПОВ — Хива устаси
ЎзА суратхонаси.

Қонунлар сатрлари аро

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТЛАР

Олий даражали мутахассислар инқирозга учраётган бирон соҳани янгиламоқчи ёки ислоҳ қилмоқчи бўлсалар, аввал режа тузиб, уни мутахассислар ёрдамида кенг муҳокама қиладилар. Бунда тузилган режа оппонентлари (қаршилари)нинг фикри алоҳида тингланади. Агар оппонент фикри асосли бўлса, унга ҳақ тўлаб, тузилган режани кун талабига монанд янгиланиши сўралади. Режа тайёр бўлгач, у шу соҳанинг кичик бир қисмида-моделида синалади ва орттирилган ижобий-салбий тажриба ҳисобга олиниб, инқирозга юз тутган умумсоҳага қўлланилади.

Илгариги халқ маорифи, Олий ва ўрта махсус таълим барча совет системалари қандай инқирозни бошдан кечиргани ҳаммага маълум.

Ўтмиш инқироз оқаваларидан батамом қутулиш учун Олий Мажлис қабул қилган «Таълим тўғрисида»ги қонун бу соҳани ривожлантириш учун кўрсатма-режа. Шунинг учун ҳам, уни 2000-2001 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалга ошириш тавсия қилинган. Олий таълим бундан истисно эмас. Шундай бўлса ҳам, олий таълимдаги ислоҳотни тажриба тариқасида шу ўқув йилидан обрўли бирон олий таълим масканида бошлаб юборилса, ёмон бўлмас эди. Бу ҳолда ислоҳот ялпи бошланадиган йилгача керакли тажриба орттирилган бўлади.

Умрини тугатган СССРда 70-йилларнинг бошларидаёқ туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш зарурати маълум бўлиб қолган эди. Аммо сиёсий система бунга тайёр эмасди. Бу ҳол давлат тарқаб кетгунча давом этди: Сиёсий тузум — ўн етти ярим миллион аъзоси бор КПСС жараённи бошқара олмади. СССР парчаланди. Ҳолбуки, жамият учун фақат ва фақат катта соғлом ислоҳотлар керак эди. КПСС охирги йигирма йил ичида у пленумидан бу пленумигача саноат, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, халқ таълими тизимини қайта қуриш ҳақида «оламшумул» программалар қабул қилди. У «Программалар»ни амалга ошириш учун юқорида қайд қилинган ўн етти ярим миллион коммунист ва кўп кучлар жалб қилинди. Аммо ўзгариш бўлмади, ривож кузатилмади, инқироз кучая борди. Натижа... маълум: Дунёни титратиб турган Империя бир кунда — 1991 йил 21 августда юз тубан парчаланиб кетди. Демоқчимизки, ислоҳотлар ҳақида гапиришнинг ўзи етмайди, у ҳақда программалар тузиш ҳам кам. Уларни ўтказиш, реаллик, реал ҳодисага айлантириш керак. Мустақил давлатимизда ислоҳотларнинг асос тамойиллари яратилди. Шунга кўра ислоҳотларни истиқлол одамлари амалга оширишлари зарур. Олий таълимни ислоҳ қилиш Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури асосида амалга оширилиши лозим. Буни бугун ҳамма тан олган. Бу ҳақда ҳамма сўзламоқда. Аммо ислоҳотлар чуқурлиги ва кенглиги орзу қилинган даражадами, қуйидан уни амалга оширадиган янги одамлар етишяптими?

Ислоҳотни ўтказиши зарур бўлган янги одамлар «тасодифий» бўлиб қолмаслиги учун шу кунларда қидирув бошланди — ислоҳот йўлга чиқди. Республикадаги 56 олий ўқув юртининг 200 га яқин ректору проректорлари аттестациядан ўтказилди. Аммо аттестация қониқарли чиқмади шекилли, оз фурсатда яна иккинчи давра аттестация ўтказилди. Бу гал ректору проректорларнинг чет тилларни билиши ҳам мезон қилиб олинди. Натижа: деярли ҳамма чет тилларни мукаммал билар экан. Аслида шундаймикин? Биз бу ҳолни киноя учун эслаётганимиз йўқ. Аммо олий таълим тизимларида ислоҳотларга ҳам шунга яқинроқ бир муносабат йўқмикин? — деб киши ўйланиб қолади.

Унда тубдан амалга оширилиши зарур бўлган ислоҳотлар нима бўлади?

«Чет тилларни мукаммал билган» баъзи олийгоҳлар раҳбарлари Олий Мажлисимиз қабул қилган «Таълим тўғрисида»ги қонунни, Президентимиз таклиф қилган малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини ўзларига мослаштириб олмасмикинлар?

Олий ва ўрта махсус таълим ислоҳи мавжуд барча эски кўникмалардан кечишни талаб қилаётган ҳозирги кунда бу ажабланарли ҳол. Мисол келтирайлик. Қабул қилинган қонун бўйича олий таълим икки босқичда: бакалавриат ва магистратурада амалга оширилади. Бакалаврлар ўз ихтисослигига оид умумий фундаментал билимга эга мутахассислардир. Магистр (мастер) умумий фундаментал билим асосида тор соҳани ўзлаштирган ўз ишининг устаси. Ишлаб чиқаришда бакалаврлар билан магистрлар нисбати тахминан ўнга бир бўлгани маъқул. Демак, ҳозирги замонда тайёрланаётган юзлаб обрўсизланган инженерлар ўрнига келажак учун саноқли магистрлар керак. Демак, шу кунларда институтларда шаклланган ўнлаб ихтисослашган кафедралар ўрнига саноқли ихтисос марказлари ташкил қилиш зарур. Замон айнан шуни талаб қилаётир. Ҳозир, масалан, ушбу ўқув йилида, бор-йўғи 4-6 инженерни диплом ёқлашга тайёрлаётган ихтисослашган кафедралар мавжуд. Улар уч-тўрт профессор ўқитувчилари билан 8-10 хонали лабораторияларни эгалаб турган ҳолда, умумтабиий ва умумтехникавий фанларни кўплаб домлалар икки-уч мослашмаган хоналарда ва ҳатто ётоқхона кабинетларида ўқитаётган кафедралар бор. Аслида ислоҳотлар амалга оширилса, бу аҳволнинг тескариси бўлиши керак: Бакалаврлар умумфундаментал фанларни ихтисослашган ўнлаб лабораторияларда ўзлаштириб, магистрлар ўз малакасини саноқли ихтисослашган марказ лабораториялари ва улар ёрдамида бевосита завод ва комбинатларда оширишлари зарур.

Буни ким амалга оширади?

Малакали кадрлар тайёрлаш ҳақидаги Миллий дастурни юрагидан қабул қилган янги одамлар. Ҳозирги баъзи олийгоҳ раҳбарлари тор ихтисослашган кафедралар ўрнига кенг ихтисослашган ягона марказ тузишга руҳан тайёрмикинлар? Шу кунда улар, тўрт йиллик бакалавр тайёрлаш жараёнида, охирги курс талабларини яна кафедраларга тақсимлаб ўқитиш дастурларини тузмоқдалар. Бу қонунга зид эканлигини тушунгилари келмаяпти. Бир жиҳатдан уларни ҳам тушунса бўлади. Улар бунда кафедраларни ва бор потенциални асраш ҳақидаги «олижаноб ниятлар» билан «қуролланадилар». Биз юқорида бир кунда тарқаб кетган, жаҳонгир империя ҳақидаги мисолни бекорга келтирмадик. У иқтисодий, сиёсий ислоҳотни хоҳламагани, нафақат хоҳламагани, амалга ошира олмагани учун ҳам барҳам топди.

Халқ маорифи, олий ва ўрта махсус таълим сўнгги ўн йиллар давомида тубдан ислоҳ ўтказилишига муҳтож бўлиб келмоқда. Буни Президентимиз ўз чиқишларида бир неча бор таъкидлаб, Олий Мажлисда «Таълим тўғрисида» қонун қабул қилинишига ташаббускор бўлдилар.

Умидимиз катта. У Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълимни тубдан ислоҳ қилишга улуғ йўл очди. Қонун-ку йўл очди. Асос яратди. Уни энди кенг ҳаётга олиб кирайлик. Хўш, ислоҳотчилар қанисиз?

А. ТОЛМАСОВ,
профессор

РЕСПУБЛИКАГА ТЎЁНАЛАР

ШЕРОБОДЛИК ЧИННИСОЗ ҲИММАТИ.
ЎзА суратхонаси.

Фанларнинг оталари

ПУЛ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

1

Халқимиз таянчи — аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим. Аждодлар васиятига содиқ ва муносиб бўлмоғимиз керак.
Ислом КАРИМОВ

Бу йил хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний таваллудига 1025 йил тўлади.

Машҳур тарихчи Сартон жаҳон илми тарихида XI асрнинг иккинчи ярмини Абу Райҳон Беруний даври, деб атаган эди. Буюк аллома ва мутафаккир, Абу Райҳон Беруний қомусий билим соҳиби, юксак ақл ва истеъдод эгаси эди. У илмий қизиқиш доирасининг кўп қирралиги, дадиллиги ва асарларининг оригиналлиги билан нафақат замондошлари, балки бугунги кун авлодларини ҳам ҳайратга солиб келмоқда. Алломанинг дунёқараши Марказий Осиё халқлари тарихида фавқулодда мураккаб сиёсий вазиятда шаклланди. Бу даврда Араб халифалиги сиёсий жиҳатдан парчаланиб, унинг бепоён минтақасида бир қанча мустақил давлатлар (тоҳирийлар, буидлар, сомонийлар, ғазнавийлар давлатлари) мавжуд эди.

2

Абу Райҳон Берунийнинг фан тараққиётида буюк хизматларининг ёрқин далил-исботи унинг илмий асарларидир. Алломанинг илмий ижодиёти 150 дан зиёд фундаментал асарлардан таркиб топган. И. Ю. Крачковскийнинг фикрига кўра, Берунийнинг асарлари ўша даврда мавжуд бўлган барча фанларни (табиатшунослик ва гуманитар илмларни) қамраб олган эди. Лекин бу асарларнинг ҳаммаси бизнинг давримизгача етиб келмаган. Француз шарқшунос олими Буало Беруний асарларидан фақат 27 таси сақланиб қолганлигини эътироф этади.

Маълумки, Берунийнинг асарлари асосан табиатшунослик соҳаларига бағишланган. Аммо Беруний ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий муаммоларга қизиқиб, бу соҳаларда ўзининг бетакрор фикр-мулоҳазаларини билдирган.

Хусусан, Берунийнинг «Геодезия» ва «Минералогия» асарларида жамиятнинг пайдо бўлиши, яшаши ва ривожланиш қонуниятлари, меҳнат тақсимоти ва пулнинг вужудга келиши ҳақидаги қарашлари айниқса бугунги қадриятларимизни тик-

3

лаш жараёнида муҳим аҳамиятга моликдир.

Беруний кишилик жамиятининг яралиш сабабини онгли мавжудотларнинг бир-бирлари билан биргаликда яшашга бўлган табиий эҳтиёжларида деб тушунтиради. Чунки кишилар эҳтиёжларини қониқтириш, шунингдек, табиат кучлари билан курашда ўзларини сақлаб қолиш учун жамоа бўлиб яшашга муҳтож эдилар. Улар ўзаро ҳамкорликка ва бир-бирларига маънавий, моддий ёрдам беришга интилишларини аллома қонуний жараён деб қарайди.

Эҳтиёжларнинг кўплиги, аммо уларни қониқтириш воситаларининг кам бўлиш сабаблари, одамларни бошқа онгли мавжудотлар билан бирлашишга мажбур этади. Эҳтиёжларни ўзаро ҳамкорлик орқали қониқтириш борасида ҳар бир одам меҳнатнинг муайян бир тури билан шуғулланишга бошлайди (бошқача қилиб айтганда, илк меҳнат тақсимоти вужудга келади), ҳар бир одам ўз меҳнатининг натижасини эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган тирикчилик воситаларининг миқдори билан ўлчайди. Аммо меҳнат ва тирикчилик воситаларининг ўлчовлари бир-бирига мос эмаслиги туфайли, кишиларнинг уларга бўлган эҳтиёжлари ҳам бир хил эмас эди. Мана шу

4

меҳнат қиммати ва тирикчилик воситаларига бўлган эҳтиёжларнинг ўлчовини аниқ белгилаб олиш мақсадида кишилар ҳар иккаласига баҳо қўйиш ва унинг тегишли эквивалентларини белгилаш (аниқлаш) хусусида келишувга келдилар. Бундай эквивалентлар сифатида ҳар хил металлар ва қимматбаҳо тошлардан фойдаландилар.

Кишилик жамиятининг илк даврларида ҳукмронлик қилган натурал алмашув ўрнига алмашувнинг янги тури — пул келди, дейди Беруний. У натурал алмашув тўғрисида бир воқеани ҳикоя қилади. Кунлардан бирида сайёҳ бир оролга келиб қолади. У ерда маҳаллий одамнинг қўлида ўзи учун керакли нарсани кўриб, бир олтин динор беради. Маҳаллий одам динорни қўлига олиб айлантириб кўради, сўнг ҳидлайди ва таъмини билмоқчи бўлади. Динорда ҳеч қандай фойдали белгиларни ва таъмини сезмаган сотувчи уни эгасига қайтариб бериб шундай дейди: сен берган фойдали нарсангнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ экан. Шу воқеани ҳикоя қилган сайёҳ хулоса қилади: «Жоним билан қасамёд қиламанки, бу савдонинг табиий шаклидир. Бундай табиий алмашувда кишиларнинг ўзаро бир-бирларига хизмат ҳақини тўлашнинг илк да-

5

врларидаги қоидаси сақланиб қолган».

Аллома ўзининг «Минералогия» асарида олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо тошларнинг ҳақиқий ўрни (мақсади) уларнинг савдо-сотиқ ишларида табиий эквивалент (тенг қийматли ўлчов) сифатида ўйнайдиган ролидан иборат, деб қарайди. Унинг фикрича, Аллоҳ бу нарсаларни (олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошларни) кишилар ўзлари учун фойдали нарсаларни сотиб олишларида қиймат ўлчови сифатида қўлма-қўл беришлари учун яратган. Агар бу нарсалар бир одамнинг қўлида тўпланиб сақланса, кишилар улардан фойдаланиш имкониятига эга бўла олмайдилар... Чунки улар (олтин-кумуш) ўзларининг табиий ҳолатига, яъни ерда кўмилиб ётган илк ҳолатига қайтган бўлади). Бу ҳол худди ёруғ оламга кўз очиб келган чақалоқни онасининг қорнига қайтариш билан баробардир... Бу бойлик ердан қазиб олингандан сўнг фақат олтин динорлар ёки кумуш дирҳамлар шаклидагина ишлатилиш мақсад қилинган. Унинг асосий вазифаси савдо ишларида ҳисоб-китоб қилиш учун, ўзаро хизмат кўрсатувда тўлов воситаси бўлишдан иборатдир.

Бироқ одамларнинг очкўзлиги ва хасислиги, бойликка, шуҳратга, зеб-зийнатга интилишлари ва меҳр қўйишлари олтин ва кумушнинг илк мақсадини — алмашув воситаси вазифасини бутунлай ўзгартириб қўйди. Энди бу қимматба-

6

ҳо тошлар ва металлар одамни ўзининг қулига айлантирди, унинг устидан мутлоқ ҳукмронлик ўрнатди. Пулнинг ҳукмронлик кучини сезган биринчи шахслар — ҳукмдорлар, подшолар эди.

Беруний мана шу фикрини тасдиқлаш мақсадида Мағрибдаги подшоларнинг ҳокимияти тўғрисида бир ривоятни келтиради: бу ерда қабила зодагонлари навбат билан давлатни бошқарар эканлар. Подшоҳ қилиб тайинланган одам уч ой мобайнида ҳукмдорлик вазифаларини бажарар экан. Бу муддат ўтгандан кейин подшоҳ ўз вазифасини бошқа кишига қайтариб бериб, масъулиятли оғир вазифадан қутулгани учун садақалар тарқатар экан. Собиқ ҳукмдор оиласига, бола-чақаларининг олдига қайтиб келиб, яна ўзининг хўжалик ишлари билан шуғулланаркан. «Бундай бўлишининг сабаби шундаки, — деб ёзади Беруний, — давлатни бошқарув ва раҳбарлик қилишнинг моҳияти ўзининг осойишталигини, хотиржамлигини йўқотиш эвазига фуқароларнинг осойишталигини сақлаш, мазлумларнинг ҳуқуқларини золимларнинг жабр-зулмидан ҳимоя қилишдан иборатдир».

Демак, подшоҳларнинг илк даврлардаги бош вазифаси ҳам ўз фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат эди. Аммо пулнинг пайдо бўлиши ва мулкчилик, пул мносабатларининг ривожланиши оқибатида илк даврлар-

7

даги подшоларга хос соддалик, камтарлик ва оддий турмуш тарзи аста-секин таназзулга учради, подшоҳ ҳокимияти эса фуқароларнинг мол-мулки, ҳаёти, хавфсизлигини сақлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш каби машаққатли ва ўта масъулиятли меҳнатдан ўз халқи устидан чексиз ҳукмронлик қилиш ва зўравонлик ишлатиш воситасига айланиб қолди. Ўз ҳокимиятини абадийлаштириш ва куч-қудратини янада ошириш мақсадида ҳукмдорлар ва улар атрофидаги ноиблари ҳар хил ҳийла-найрангларни ўйлаб чиқариб, ўзларининг буюк фазилатлар ва илоҳий сифатлар соҳиблари эканликларига ишора қиладиган бўладилар. Шу мақсадда подшоҳларни узун қўллар соҳиблари деб, уларнинг суратларида қўлларини тиззаларигача қилиб тасвирладилар. Кейинчалик подшоҳлар қимматбаҳо тошлар ва олтин буюмлар билан ўзларига зеб-зийнат бердилар. Ўзларининг салоҳияти ва жалолияти билан подшолар фуқаролар руҳиятига таъсир қилиб, уларда мутелик ҳис-туйғуларини, қалбларида ишонч ва умидларни туғдириб, подшоларга содиқлик руҳида тарбиялашга интилдилар. Фуқаролар устидан мутлақ ҳокимиятни ўрнатиш учун ҳар хил найранглар ишлатилди. Бу найрангларнинг ҳар бири ўзининг моҳирона санъати, назокати, ниҳоят даражада ажойиблиги билан кишини ҳайратга солади. Шундай қилиб, аста-секин ҳокимият халқдан бегоналашади, подшоларнинг ва сарой ноибларининг ҳаёти, турмуш

8

тарзи, ҳатти-ҳаракатлари яширин тус олиб, чуқур сирлар билан ниқобланади.

Подшоҳлар ҳокимияти ва куч-қудратининг ўсиб бориши билан ҳукмдорлар бошқалардан кўпроқ бойлик ва олтин-кумуш тўплашга интиладиган бўлдилар. Чунки фақат олтин-кумушнинг кучи билангина ҳокимиятни идора қилиш ва фуқароларни бошқариш мумкинлигини ҳукмдорлар яхши тушунган эдилар. Шу фикрни тасдиқлаш учун Беруний халифа ал-Мансурнинг ноибига айтган қуйидаги сўзларини келтиради: «Ё Рабби, мен бойлик тўплайман, менинг бойлигим кўплиги учун одамлар мени хасисликда айблашадилар. Аммо худо мени бундай разиллик (хасислик)дан халос этиб яратган. Мен ўз атрофимдаги одамларнинг олтин динор ва кумуш дирҳамлар қули эканликларини кўрганимдан кейин, менда бойлик орқали одамларни жиловлаш ва уларни қул қилиш хоҳиши туғилди. Одамлар қанчалик олтин-кумушга муҳтож эканлар, бу бойликлар менинг хазинамда доим сақланади».

Беруний бойлик тўплашнинг қонуний ва қонунсиз йўллари хусусида жуда қизиқарли фикр юритади. Аллома халқни талон-торож қилиш, уруш орқали, миллион-миллион одамларнинг ризқ-насибасига хиёнат қилиш йўли билан тўпланган бойликларни қоралайди. Шу йўл билан бойлик тўплаб, давлатни идора қилиш халқ бошига кулфатлар келтиради, дейди мутафаккир ўзининг қудратли ҳомийси Маҳмуд Ғазнавийга.

Беруний билан суҳбатида султон Маҳмуд ўзининг хазина-

9

ларидаги чексиз, туганмас бойликлари ҳақида гапириб, бу бойликларни ўн йиллар харид қилганда тежамкор ҳам, исрофгар ҳукмдор ҳам тугата олмайди, деб мақтанади. Беруний султон Маҳмудга жавобан дейди: «Сен ўз Яратувчингга раҳмат айтгин ва ундан барча бойликларингнинг манбаи бўлмиш тақдирнинг сенга келтирган бахт-саодат ва омадингни сақлаб қолишини илтижо билан сўрагин. Чунки сенинг қўлингдаги бойликларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг сенга раҳматидандир. Тақдир сендан юз ўгирганда, бу бойликларинг бир куннинг ичида талон-торож бўлиб, йўқолиб кетиши мумкин. Бойлигинг билан мағрурланма, мақтанма».

Шундай қилиб, Берунийнинг фикрича, илк даврларда жамиятда тенглик ҳукмрон бўлган, одамлар бой ва камбағалларга ажралмаганлар, ҳатто ҳукмдорлар ҳам фуқаролардан фарқ этмаганлар. Жамиятда бойлик ва ижтимоий тенгсизликнинг пайдо бўлишидаги сабаблардан бири пулнинг пайдо бўлиши ва товар-пул муносабатларининг шаклланишидир. Пул ва товар-пул муносабатлари кишиларнинг табиий турмуш тарзига путур етказиб, уларнинг нафсларини турли иллатлар билан — очкўзлик, молпарастлик, шуҳратпарастлик билан хасталаштирди. Буларнинг ҳаммаси одамларда бойликка ҳирс, куч-қудрат ва ҳокимиятга иштиёқ кайфиятларини келтириб чиқарди.

Мана шу иллатларнинг ҳаммасини буюк олим ўз даври ижтимоий ҳаётида кўзидан кечирган ва гувоҳи бўлган. У илк

10

жамоа давридаги муносабатлар ва бошқарув усулларига хайрихоҳлик билдиради, ўша даврдаги кишилар ўртасида мавжуд бўлган тенглик ва тотув яшашни, кишилар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни орзу қилади.

Одамларнинг нафс-хоҳишларига берилиб кетишлари, Берунийнинг фикрича, Тангрининг ҳам қаҳр-ғазабини келтирар эди. Шу боисдан инсоният бошига турли табиий ва ижтимоий офатлар вақти-вақти билан келиб турди. Табиий кучларнинг оқибати бўлмиш офатлар — сув тошқинлари, шиддатли бўронлар, вабо касалликлари инсоният бошига ёппасига кулфатлар келтирди. Табиий офатлардан сўнг бу ерларда яна қайтадан одамлар пайдо бўлишади, ҳайвонлар кўпаяди ва ҳаёт янгидан тикланади.

Берунийнинг ушбу фикр-мулоҳазалари кишилик иқтисодиёти тарихига бевосита тааллуқлидир. Бу ривоят, ҳикоят ва тарихий фактлардан биз иқтисодий ишларимиз моҳиятини янада теран англаймиз. Ер юзида энг адолатли, ҳамжиҳат, демократик тузумгина тараққиётга, инсоннинг янада мукаммаллашувига эришишига олиб келиши мумкинлигига иймон келтирамиз.

Муҳаммаджон ЖАКБАРОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент,
Наманган муҳандис муаллимлик институти

АЁЛ ҚАЛБИ СЎЛМАСИН

Одам боласи зулматга тушсагина нурни соғинади, чўлда ташналигини ҳис этади, диққинафасликда ҳавонинг қадрини билади. Озодликдай буюк, бебаҳо ганжни ҳам ундан айрилганда тушунадилар.

Мен маҳкумалар яшайдиган колонияга шундай оғриқли хаёллар билан кириб бордим. Ёмғир шивалаб ёғиб турарди. Ҳамроҳим офицер Ботир ака Челибиев билан зонага ўтиб борарканмиз, ҳовлида турли ёшдаги эркак, аёлларга кўзим тушди. Қўлидаги тўр халта оғирлигидан майишиб, ёмғирда увишиб турган онахон, ёнида ҳар ўтган кетганга жовдираётган қизалоқ — кимнидир кўргани келишгани сезилиб турибди...

Залворли эшиклардан кириб борарканман, деразасига панжара ўрнатилган хоналарни кўрибми, ёнам ҳаводанми, менда бир жунжикиш, сесканиш пайдо бўлди.

— Зобит Тамара Дмитриевна Поплавская, муассаса раҳбари, дейдилар Ботир ака, тўладан келган, қадди-басти келишган аёлни менга таништираётиб. — Бу киши эса Баҳодир Акрамов бўладилар. Муассаса ходими.

— Нега аёллар панжара ортигача етиб келишади? Ахир, тақдир уларни оналик бахти, бекалик навозишлари учун, гуллик, нурлик учун яратган эмасми? Қисматнинг янглиш йўлларидан юришга уларни ким судрайди?

Маҳкама ходимлари менинг ҳаяжонли саволларимни оғир, босиқ эшитишди. Улар ботиний ўта тинч кўринишади. Аммо бу сокинлик остида долғали бир ҳаёт яшаётгани юзлари, кўзларидан сезилади. Қандайдир менга, бизга — эркин яшаётган инсонларга бегона бир излар муҳрланган бу чеҳраларда.

Ҳужжатларни беришди, танишдим. Маҳкумалар билан юзма-юз бўлдим.

БИРИНЧИ ТАҚДИР

МАЪЛУМОТ. К.А. 1973 йилда туғилган. Гиёҳванд моддалардан Қонунга хилоф равишда фойдаланишда айбли деб топилиб, ЎзЖКнинг 246, 272-моддаларининг 2-қисми билан ўн уч йилга озодликдан маҳрум этилган.

ВОҚЕА. 1996 йилнинг баҳори. Душанбе-Москва поездида Свердловскка йўл олган А. исмли аёлнинг ёстиғи тагидан ярим килограмм гиёҳванд модда топилди. Уни милиция бўлимига олиб боришаётганда йўлда А. бирдан ўзини нохуш ҳис қилди. У елим халтачаларга жойланган психотроп модда ютгани аён бўлди.

СУҲБАТ

— Агар сиз олиб кетаётган оғу ўз эгаларига етиб борганда, қанча одамларнинг ақли-ҳушидан айрилиши, ҳаёти бузилишини билармидингиз?

— Бу ҳақда ўйламаганман.

— Нима ҳақда ўйлагансиз?

— Тирикчилик... ҳаётимни ўнглайман, яхши яшайманми, дегандим.

— Энди ёмонликка, одамларнинг бузилишига бош қўшишнинг жуда қабиҳ иш эканига ақлингиз етдими?

— Ҳа.

— Насиб қилса, бир кун озодликка чиқасиз. Қандай яшашингиз ҳақида ҳеч ўйлайсизми?

— Албатта. Меҳнат қиламан.

— Ҳужжатингизда қора тамғангиз бўлади, сизга дастлаб ҳаёт осон бўлмай, ишонч қозониб, кўпга сингиб кетишингиз оғир кечади. Яна «борей» деб қўл силтамасмикинсиз?

— Йўқ, йўқ. Нима иш бўлсаям, жиноят қилмайман, бу ерга қайтиб келгулик қилмасин!

— Ёлғиз, бекор қолганингизда нималар ҳақида ўйлайсиз?

— Уйни, болалик чоғларимни. Барибир одамни болаликдан тўғри тарбиялашлари керак экан. Суягини меҳнатдами, ўқишдами қотиришлари керак экан... Ўзи ўша пайтдаёқ нотўғри яшай бошлаган эканман... Оилада, ота-онам ёнидаёқ...

ИЗОҲ

— Ботир ака, шу жиноят илдизини қандай изоҳлайсиз? — дейман маҳкумани олиб чиқиб кетишгач.

— Гапига эътибор қилгандирсиз. Ўзи ҳам ўз айби бошини болалигида кўради. Фарзандининг ҳар бир қадами, ҳатто ўй-фикрлари ҳам ота-она назоратида туриши керак. Улар фарзанд кўришгач, бошбошдоқ, аллақандай янглиш майллар билан яшашга ҳаққи йўқ. Шу бурчни унутдими, болани ўз ҳолига ташлаб қўйдими, кўпинча, унинг ҳаёти издан чиқади.

ХУЛОСА

Аслида 20,22 ёш ҳаётнинг энг гўзал фасли, камолот фасли ҳисобланади. А. эса уч ойгина турмуш қуриб ажрашган. Келинлик либослари сандиқзада бўлиб, қолиб кетди. Эгнига маҳбуслик жандасини кийди. А. нинг гапларига қараганда, унинг онаси кўп жанжаллашар, сўнг аламига ичишаркан. Қизалоқ эса ўзича яшаган, бўйи чўзилгач турфа либос, қимматбаҳо тақинчоқларга қизиқадиган бўлди, кийди, безанди. Енгилелпи ҳаётга ўрганган А. келин бўлиб ўзга хонадонга тушгач ҳам, янги ҳаётига ҳам сингишиб кетмади, жанжаллашди, осонгина ажралди.

ИККИНЧИ ТАҚДИР

О.В. 1960 йилда туғилган. Ҳозир 38 ёшда. Уч марта судланган. Тошкент шаҳар судининг 7 ноябр 1996 йилдаги ҳукмига асосан қотилликда айбланиб, ЎзЖКнинг 97-моддаси 2-қисмига тегишли бандлари билан 20 йилга озодликдан маҳрум бўлди. Жиноятни қаттиқ тартибли колонияда ўташ белгиланган.

— Ўн етти ёшда эдим, — сўзлайди маҳкума. — Тўйимизга яқин қолувди. Куёв қариндошларим билан танишувга келади. Тўй бўлмасмиш, ёниб кетдим. Ўша пайтимда буни энг катта бахтсизлик деб ўйлаганман. Бошқани севиб қолганмиш, уйига югурдим. Ошхонасидаги ошпичоқни олиб... Қандай ўлдириб қўйганимни билмай қолдим. Олти йил ўтириб чиқдим. Озодликка чиққач, турмуш қурдим. Бу орада икки фарзандли бўлдим. Бир ўғил, бир қиз кўрдим, лекин ўтириб чиққаним учун менга тўғри эмас, ўғри уйланди. У қамоқнинг «таъмини тотган»лардан эди. Қанча зорлансам ҳам, ишини ташламади. 1993 йили эримнинг йўлида юриб, ўғирланган молларни беркитганим учун яна бир йилу саккиз ой турмада ўтирдим. Эримнинг эса қамоқдан ўлиги келди. Мен икки фарзанд билан бева қолдим. Жиззахдан Тошкентга кўчиб келдик. Ижарада турдик. 1996 йилнинг август ойи эди. Мен иш излагани чиқдим, негадир уйга қайтгим келаверди. Келсам, дарвоза берк. Ўғлим уйда эмасди, девордан ошиб тушдим. Деразадан қарасам, не кўз билан кўрайки, уй эгаси 9 ёшли қизчамни... Хонага юриб кирдимми, учибми, билмайман. У маст эди, бўғиб ўлдирдим. Уйнинг эгаси олдин қамалиб чиққан экан...

ИЗОҲ

Жиноят жиноят доясидир. Бир зумлик ғазаб гулдай умрини поймол қилди. Хато хатога уланди. Фарзандлар ҳам бу хато тақдирни тўғри изга солиб юборолмади. Маъсума гўдакнинг иффат гуллари топталди. Аммо бўлар иш бўлган, бўёғи синган, унинг манглайига яна бир қатл қаттоли айбномаси ёзилган эди.

ХУЛОСА

Битта нотўғри қадам инсон ҳаётини остин -устун қилиб юборади, илк бор ўзини қўлга олганда, яқинларидан кимдир унинг қўлларидан маҳкам ушлаганда, йўлларини кесганда, эҳтимол у бугун ўзи ҳам қизи ҳасратида сарғайиб ўтирмасди, эҳтимол, қизига сарпо тикиб ўтирармиди, эҳтимол неварасига алла айтаётган бўлармиди...

ТАМАРА ДМИТРИЕВНА ҲИКОЯСИ

Муассасада иш бошлаганимга 32 йил бўлди. Бу орада қанча маҳкумалар қелиб кетмади, дейсиз. Бултур бир неча юз киши озодликка чиқди. Улар орасида балоғатга етмаганлари ҳам бор. Тарбиявий соатлар ўтказамиз. Жиноятнинг келиб чиқиш сабаби, оқибати хусусида баҳслар бўлади. Ахлоқий мавзудаги кинофилмлар олиб келамиз, кинолардан сўнг суҳбатлашсак, кўп нарсани англаб етишади. Улар ҳам одам асли. Улар ҳаммага ўхшаб қувонади, йиғлайди, соғинади. Агар аввал ўз жигарлари, сўнг теварагидагилар сал эътиборлироқ бўлганда, шу қўйга тушишмасмиди? Биз уларни тузалмас одамлар деб қарамаймиз. Мумкин қадар ўзини ўнглашга, ҳақиқий ҳаётга умид уйғотишга интиламиз. Бир воқеани айтиб берай. Эр маҳкума хотинидан воз кечди. Аёл анча вақтгача эзилиб, хомуш юрди. «Қора кўзойнак» филмидан сўнг ўзини кўлга олди. Насиб қилса, ҳаётимни ўнглайман, деб юрибди.

Бемор маҳкумаларга дори-дармон давлат томонидан бепул берилади. Лозим бўлганда зарур жарроҳлик операцияларига кетадиган харажат муассаса томонидан қопланади.

Республикамиздаги маҳбуслар учун бир кунда кўплаб нон маҳсулотлари сарф бўларкан. Уларнинг ишлаб чиқаришда иштирокидан келадиган фойда харажатни қопламаса-да, давлатимиз маҳбуслар саломатлиги, таъминотини инсонпарварлик, эртанги кун нуқтаи назаридан ўз зиммасига олган.

Бу ерга келиб кўзи ёриган аёллар ҳам бор: шароит яратилган. Гўдагини режа асосида овқатлантиради, сайрга олиб чиқади. Бола уч ёшга киргач, қариндошлари ўз тарбиясига олмаса, болалар уйига топширамиз.

Яқинда бир хат олдим. Ўғирликда айбланиб, жазоланиб чиққан Г. исмли аёл ҳаётда ўрнини топганини қувониб ёзибди. Суюндик.

Аёлларимизга чеварлик, газ-плита оператори каби ҳунарларни ўргатамиз. Буюртма асосида ўрин-кўрпа жиҳозлари, тиббий ходимлар учун иш халати, болалар кўйлак-шимини тикишади. Пластмассадан ажойиб гуллар ясашади. Биз уларга эзгу ишлар қилдирамиз. Ахир, одам боласи қилган ишининг бир бўлагида. Ўша фаолият ҳам уларни яхшиликка йўналтирсин, деймиз.

УЧИНЧИ ТАҚДИР

МАЪЛУМОТ. А.З. 1980 йилда туғилган. 9-синфгача ўқиган.

3.62.400 сўмлик турли тилла тақинчоқларни ўғирлаганликда айбланиб, ЎзЖКнинг 169-моддаси 4-қисм «а» банди билан 8 йилга озодликдан маҳрум бўлди.

ХУЛОСА

Инсон — ҳаёти давомида билмаганини сўраб ўрганади. Излаб, топиб, йўқотиб ўрганади. Кўзлари очилиб ўрганади. Оғир дамларда ота-она боласига маслаҳатгўй бўлса, суяса, яхши сўз билан йўлга солса, ёш ниҳол тез эгилади. Луқмани ҳалоллаб ейишни ўргатиш фарздир. Қилмишларига тавба қилиб, намоз ўқиётган қизнинг гуноҳларини балки худо кечирар...

Кўзига кўз тумор, бўйига бўйтумор бўлиб катта қилаётган дилбандларимиз бизнинг юзимиз. Юзимиз доим ёруғ бўлсин.

ИККИ ИЗОҲ

Ўзбекистон Мусулмонлар идораси ходими Муҳаммадий Мухторов:

— Эрининг ризолигини олган аёл отасига ҳам жаннат бахтини беради. Нима демоқчиман? Аёлнинг андишасида, ақл, фаросат билан иш кўришида кўп гап бор. Қизларимиз оилани тўғри тасаввур қилиб, унинг оғир енгилига тайёр бўлиб турмуш қурсалар, эрларни ҳам измига соладилар. Оила парокандалиги, фарзандлар бебошлигига йўл қўймайдилар. Ҳақ-ҳуқуқини билса, эрдан ҳам оталик бурчини талаб қиладилар. Отанинг зиммасида ҳам катта бурч бор. Қадим Шарқда одоб-ахлоқ ҳақида мукаммал билимлар яратилган. Фан тарзида ўқилган, илм сифатида ўрганилган. Ҳозир ҳам мактабларда «Одобнома» дарси бор. Бу дарсни қадим билимларимиз билан уйғунлаштириб, муаллимларимиз жиддий тарзда ўргатмоқлари даркор.

Токи, ҳар фарзанд, айниқса, қиз бола ўзининг битта хатоси бутун бир авлод хатоси эканини ҳис этсин. Тушунсин! Жиноятнинг қабоҳат, соғлом турмуш тарзининг саодат эканини дили билан англасин, жиноятдан қўрқсин, нафратлансин, ҳазар қилсин! Ҳар бир қиз бола жинояти фақат судда эмас, у ўқиган мактаб, у яшаган маҳаллада муҳокама этилсин, сабоқ чиқарилсин!

***

— Қонун Ўзбекистон Республикасида ҳамма учун бирдай. Хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, у жиноят қилдими, Кодексимизда қайд қилинган тегишли моддалар билан жавобгарликка тортилади, — дейди Ўзбекистон Прокуратураси Судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Халилович Пўлатов. — Фақат жазо ўташ тартиби аёллар учун эркакларга нисбатан бирмунча фарқлироқ. Улар жазони фақат умумий тартиб колонияларда ўтайдилар. Ўта оғир жиноят содир қилган, хавфли рецидивист деб топилган аёллар жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтайди, холос.

Амалдаги ЖКнинг 51-моддасига мувофиқ аёлларга ўлим жазоси тайинлаш мумкин эмас. Жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ (бу янги жазо тури шахсни батамом ажратилган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача бўлган муддатга белгиланади). Узоқ вақтгача маҳкума аёллардан эшитганим, у ердаги кўрганим — оғир нигоҳлар таъсирида юрдим. Бу фожиа тақдирлар ҳикоясини сизларга етказишга ҳаракат қилдим.

Ҳаёт яратувчи хилқат — Аёлнинг кўли қонга ботмасин, уни болаликдан асраб-авайлаб, турли ёмон таъсирлардан ҳимоялаб — сафга қўшиш ота-онанинг, кўни-қўшнининг, оиланинг, маҳалланинг муқаддас бурчи эканини унутмайлик. Ҳушёр яшайлик, огоҳ яшайлик. Аёл ортида авлод шаъни туради, ахир.

Дилором ИСМОИЛОВА,
«Саодат»нинг махсус мухбири

ДАВРГА ҲАМОҲАНГ

Ҳозир сўз ҳаётийлашган, сўз тирилган давр. Матбуот халқ ҳаёти ва жамият тараққиётига таъсир беради, фикрларни ҳаракатга келтиради, кўнгилларга йўл топади, ўзгаришларни кузатади ва илғайди. Матбуот даврга мос бўлиш билан бирга, ўз навбатида ўзини кашф қила боради. Бу айниқса, унинг муаммоларни кўтаришида намоён бўлади.

«Саодат» журнали ўзбек аёллари, қизлари қалбини, кўнгил дунёларини тушуниб, улар иштирок этаётган барча соҳаларга, уларнинг фикр дунёсига эркин ва дадил кириб бораётгани, замонамизни англаган ҳолда масъулият билан ёндашаётгани, шунга кўра ўз вазифаларини белгилаб амалга ошираётгани диққатга сазовор. Бу бир жиҳатдан аёлни, унинг табиати, ички синоати кучи, мавқеини кашф этиш, уни ўрганиш, унга ёрдам бериш, нозик кўнглига йўл топиш, бир сўз билан айтганда, АЁЛНИ ТУШУНИШдир. «Саодат» аёлни тушуниш, оғирини енгил, узоғини яқин қилишда ўз йўриғи, сўзи, дастхатига эга.

Кимлигини англаган, ўзини билган халқ ҳеч қачон ўз-ўзига, қудратига шубҳа билан қарамайди, нималарга қодирлигини яхши англайди. Шунга ҳаракат қилади. «Саодат»нинг 4-сонини варақлар экансиз, шу каби аёлларимизда, дилбар қизларимизда ҳам ўзига ишонч туйғусини мустаҳкамлаш, уни мавқеи доирасида фаол бўлишга, ҳаётга ундаш, шунга маънавий замин яратиш сари қатъий интилишларнинг гувоҳи бўласиз. Турфа тақдирлар билан танишасиз, бирига ҳавас қиласиз, бирига ҳамдард бўласиз. Ҳатто шу пайтларгача кўпчилик билмаган, синган тақдирлар ҳақида ҳам ўқийсиз. Ва «Саодат» мамлакатимиздаги ҳеч бир

аёлнинг дардини, шароитини, умрини назардан четда қолдирмаётганини, барчасининг ҳам яшаш маъзини тўлдиришга, ҳаммани тетик сафларга тоза ўйлар, тоза орзулар, тоза ишлари ила қўшишга, ҳукуматимиз билан ҳамкорликда жамиятни соғломлаштириш учун қатъий бел боғлаганлигига, энг асосийси, бунинг учун у анча куч, иқтидорга эга эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. «Саодат» барча аёлларни ўз даврасига чорлайди, мулоқотга чақиради. У аёл зотига даҳлдор жамият қатламларга кира бориб ҳодисаларнинг сабаб ва моҳиятини қидиради. Журнал кунларимизнинг барча муаммолари ҳақида ўз фикри, ўз сўзини айта олади. Ва ўз сўзларига ўқувчиларини ишонтиради. Тўғри йўлни кўрсатади. Нотўғри ишлардан қайтаради, руҳлантиради, илҳом беради. Унинг сўзи қизғин, таъсирчан, ҳиссиётларга бой.

Журналист Ш. Салимованинг Республика «Оила» илмий-амалий Маркази директори, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Ойниса Мусурмонова билан суҳбати янги марказнинг фаолияти, Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган «Оила кодекси»нинг мазмуни ва моҳияти, оила маънавияти, энг зарур оилавий ҳуқуқий билимлар ҳақида маълумот беради.

«Миллий дастур: эртанинг ўйлари» рукни остидаги Г. Жамилованинг «Давр ўқитувчиси, у қандай бўлиши керак», Қ. Раҳимбоеванинг «Моҳиятга яқинлашиш» мақолалари жонли мулоқотга чорлайди.

Тарихчи олима Ж. Исмоилованинг «Озодлик ҳаққи» мақоласи 1916 йилги ўзбек халқининг чор ҳукуматига қарши қўзғолони, унда аёлларнинг ҳам иштироки ва қаҳрамонлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонидан «Ваҳҳобийлик илдизлари», «Улуғ муҳаддис», «Наво бўлайин», «Энг бахтли дамлар», Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг шоира С. Зуннунова хотирасига бағишлаб ёзилган «Менга етиб келмаган хат» каби жуда қизиқарли мақолалар, бошқа турли мавзулардаги материаллар ўрин олган. Ойномада Абдурауф Фитратнинг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» асаридан парчалар оила ҳақидаги ҳаётий-илмий билимларимизни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Биз қўйида «Саодат»нинг 4-сонида эълон қилинган Д. Исмоилованинг аёл қалбининг қоронғу бурчакларига назар солган мақоласини журнал ижозати билан эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Д. ҚЎЗИЖОН

«Саодат» саҳифаларида



Осуда дарахтлар,
осуда осмон...

Ҳаёт йўриқлари

ОНАЛАР ДАВРОН СУРСАЛАР...

Сарлавҳадаги сўзлар менинг орзу-умидим... Ҳа, қани эди ҳамма оналаримиз даврон сурсалар. Қалбим тўридан ўрин эгаллаган бу орзунинг бир чеккаси юрагимдаги армон билан туташ. Ҳа, эсимни таниганимдан бери мени бир армон ўртайди: мен бувимни кўрмаганман. Дунёга келмасимдан олти ой муқаддам оғир хасталик оқибатида оламдан ўтган эканлар менинг бувижоним... Кейинчалик билсам, урушда ҳалок бўлган ўғилларига — Аҳмадхон тоғамларга куя-куя дардга чалиниб қолган эканлар. Неча-неча йиллар «Аҳмадхон, Аҳмадхон» — дея қон йиғлаб ўтибдилар...

Мактабда ўқиб юрганимда шоир Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр» достонини ўқиганимда:

«Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда
Кўп эртак эшитгандим,
Сўйлаб берарди бувим...»

сатрлари бир ўқиганимдаёқ ёд бўлиб қолди. Шоирга ҳавасим келди. «Унинг эртак сўйлаб берадиган бувиси бўлган экан. Қанчалар бахтли экан-а. Менинг эса бувим йўқ...» дедиму, ҳўнг-ҳўнг йиғлаб юбордим. Бувимнинг оламдан эрта ўтиб кетганлари, мен уларни кўрмаганим, улар мени кўрмаганликлари умрбод ўчмас армон бўлиб қолди юрагимда.

Мана, вояга етдим, болали-чақали ҳам бўлдим. Ўзинг болали бўлгач, ота-она қадрига етаркансан. Менга қолса, қўлимдан келсаю, онамнинг ҳар қадамига гул тўшасам. Гард тегдирмасам-да улар узоқ-узоқ йиллар хонадонимизга сорбон бўлиб, ҳар оқшом сўйлайдиган эртаклари билан фарзандларимни шод этиб, ўзлари шодумон бўлиб яшасалар. Узоқ умр кўриб, давру даврон сурсалар экан. Ана шунда дунёдан армонсиз ўтаман. Шулар ҳақида ўйлар эканман, билгим келади, азиз биродарлар, сизларнинг ҳам дилингизни, қалбингизни куйдирган армон борми?

Масъудхон ЗИЁХОН

Шукуҳли ва кўркам кўчалар.

Нодир воқеалар

САВДОГАР ВА ҚАЛАЙИ

Муҳаммад Авфий

Денгиз савдогарларидан бири Басра шаҳрида яшарди. Ҳар йили кемани юк билан тўлдириб, ҳаммадан илгарироқ Чин мамлакатига сафар қиларди.

Кунларнинг бирида савдогар кемани тайёрлаб, сафарга ҳозирлик кўрарди. Ҳар ким мол олиб келиб савдогарга берар ва у кеманинг сафарда саломат бўлиши учун уларнинг молини қабул қиларди. Ногоҳ бир мўйсафид ўзи билан бирга бир қоп қалайи олиб келди ва: «эй хожа, мен сенинг олдингга хожатталаб бўлиб келдим. Чунончи, ушбу қопдаги қалайини кемангга солиб, денгизнинг ўртасига борганда сувга ташлаб юборсанг. Токи қилган назарим ижобат бўлса», деди. Савдогар мўйсафиднинг молини қабул қилди ва унинг исми, насаби ва турар жойларини сўраб дафтарига ёзиб қўйди. Шундан сўнг қалайини кемага солиб сафарга чиқди. Кема денгиз ўртасига етганда, шамол туриб тўлқин кучайди.

Денгизнинг қутуриши натижасида мўйсафиднинг айтган васияти савдогарнинг хаёлидан кўтарилди. Ниҳоят, кема саломат Чин мамлакатига етиб борди. Молларни харидорларга кўрсатдилар. Савдогар молларни биринкетин сотарди. Бир куни бир йигит портга келиб: «Ўзларингиз билан бирга қалайи олиб келдингизларми?» — деб сўради.

Савдогарнинг эсига мўйсафид ва у берган қалайи тушди ва йигитга қараб: «Бир киши менга бир оз қалайи бериб, ушбу қалайини денгизга ташлашимни сўраган эди. Аммо денгизда эсимдан чиққан экан. Энди ушбу молни сенга сотиб, пулига бошқа мол олиб эгасига олиб бориб топширганим маъқул кўринадир», деди.

Шундан сўнг, мазкур бир қоп қалайини йигитга сотди ва пулига яхши моллардан олиб Басрага жўнади. Савдогар Басрага етгач, мўйсафидни топиб, Чин мамлакатидан олиб келган молни унга топширмоқ учун кўп қидирди. Ниҳоят, мўйсафиднинг маҳалласига бориб уни сўради. «Мўйсафид вафот қилган», деб жавоб бердилар.

Савдогар одамлардан мўйсафиднинг бирор ворисини сўради. Укасининг ўғли бор эди. Аммо мўйсафид уни кўп ранжитар эди. Доим жиянига, сен мени ўлимимни кутяпсан, дерди. Ниҳоят, жиянни бу шаҳардан бош олиб кетди ва ғарибликни ихтиёр қилди. То алҳол, йигитнинг қаерда эканини ҳалигача ҳеч ким билмайди», дейишди.

Савдогар мўйсафид учун олиб келган моллариниг 700 динорга сотди. Пулни мўйсафид номига ўтказиб, то вориси топилгунча омонат сақлаб туриб, ворис топилгач, омонатни топширмоққа қарор қилди.

Бир неча муддат ўтди. Бир кун савдогар ўз дўконида ўтирган эди, бир ёш йигит келиб унга салом берди ва: «Эй хожа, мени танидингми?» — деди. «Йўқ», деб жавоб берди савдогар. «Мен ўша Чин элида сендан қалайи сотиб олган йигитман. Мен қалайини уйга олиб бориб синдириб кўрсам, барчасининг орасига қизил олтин қуйилган экан. Мен ўзимча, қизил олтин эмас, қалайи сотиб олган эдим. Бинобарин, бу олтинлар менга ҳаромдир, деб сенинг орқангдан изма-из қидириб бу ерга келдим. Токи, олтинларингни ўзингга топширгайман».

«Эй хожа, — деди савдогар, — мазкур қалайи фалон маҳаллалик фалон мўйсафиднинг моли эди. У менга қалайини топшираётиб, денгизнинг ўртасига борганда қалайини сувга ташлаб кетишимни васият қилган эди».

Йигит бу сўзни эшитиб табассум қилди ва худога ҳамду санолар ўқиб, деди: «Эй хожа, билгинки, у мўйсафид менинг амаким эди. Бу бойликни сувга ғарқ қилишдан мақсади, мени бойликдан маҳрум қилиш эди. Аммо Олло таоло мазкур маблағни менга насиб қилган экан. Зотан, турли восита ва василалар билан менга етказди».

Йигит ўзини ким эканлигини ва мўйсафидга меросхўр эканлигини исботлади. Савдогар ўз кўлидаги 700 динорни ҳам йигитга топшириб, деди: «Худо сенга бу бойликни омонатга хиёнат қилмаганинг туфайли берди. Сен ҳаромдан парҳез қилдинг, худойи таоло сенга ҳалол бойликни ато қилди».

Турғун ФАЙЗИЕВ
таржимаси

Миллий тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0271.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 21.55

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Дилором МАТКАРИМОВА